ANDITONITORIANIANIA

УЗБЕКИСТОН АДАБИЕТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2001-yil, 21-dekabr • N52 (3637)

Хеч шубҳа йўқки, дунёда камдан-кам барпо этилган, керак бўлса, собиқ иттифоқ худудида ягона бўлган, жаҳондаги энг замонавий технология ва техник ускуналар билан жихозланган мана шундай улкан мажмуанинг ишга тушиши наинки Қашқадарё вохаси салохиятини, айни пайтда бутун мамлакатимизнинг индустрия кудратини янги боскичларга кўтаришга бекиёс хисса кўшади.

> Президент Ислом Каримовнинг Шуртан газ-кимё мажмуи очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқидан

Кеча қанча ситам ўтди бошимдан, Хайрият ечилди дилнинг тугуни. Бугун атрофимга қараб туймайман, Қаранг-да ҳаётнинг гўзаллигини, Яхшидан шарофат, дейдилар буни!...

хасига саёхат қилгандик. Саёхатдан мақсад, аввало, қадим воха ахли билан кўришиб, хаётлари билан танишиш бўлса, иккинчидан, Қашқадарёнинг донги оламга кетган машхур газчилари мехнати, бунёдкорлик ишларини ўрга-

Шу мақсадда, биз саёхатимизнинг биринчи куниёк Қарши яқинида қурилаётган Шўртан газ-кимё мажмуини бориб кўрдик. Хануз ёдимдан чиқмайди: бепоён дашт бағрини кесиб ўтган асфальт йўлдан елиб борар эканмиз, овлокдаги бир тепаликда қад кўтараётган янги замонавий корхона ва унинг ёнидаги ишчилар шахарчаси кўзга чалинди. Шунда корхона билан унинг ёнидаги оппок бино-

Шу йил ёзда ёзувчи ука-ларим билан Қашқадарё во- ОК КУШЛАР ПАРВОЗИ Корхона ишга тушяпти! Мен

Шўртан газ-кимё мажмуи ишга тушиши

муносабати билан

лар менга гуё тепаликда қуниб ўтирган бир гала оқ қушларга ўхшаб кўринди. Ушанда бизни кутиб олган ёш, хушқад, хушсурат бош муҳандис Уктам Эшмуродов — қурилиш билан таништирар экан, газ-кимё мажмуи шу йилнинг охирида қуриб битирилиб, қимматбаҳо махсулот бера бошлаши хакида чексиз гурур ва ифтихор билан гапириб берганди. У янги корхона бошқа жуда кўп махсулотлардан ташқари полиэтилен ишлаб чиқаришини, бу махсулот эса бугун саноат учун энг зарур хомашё эканини тушунтириб берганди.

Хозир нафакат оддий рузгор-

боп идишлар, турли ашёлар, балки улкан газ, сув қувурлари хам шу полиэтилендан ясалаётган экан. Хатто Америка ва Россия каби йирик мамлакатлар ҳам қувурлар ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда темир ва чуяндан эмас, полиэтилендан фойдалана бошлаган экан. Ушанда корхона рахбарлари, хатто унинг лабораторияларида ишлаётган ёш-ёш қиз-жувонлар ҳам: «Бизнинг қурилишимиз шахсан юртбошимиз Ислом ака Каримов ташаббуси билан барпо этилмоқда. Шу боисдан биз уни ўз вақтида фойдаланишга топширамиз!» деган эдилар. Мана,

бу хабарни эшитганимда узоқдан бир гала оқ қушларга ўхшаб кўринган корхона ва унинг куркам шахарчаси лоп этиб кўз олдимда намоён бўлди, хаёлимдан эса: «Оқ қушлар парвоз қипти-да!» деган фикр ўтди-ю, кўнглим сув ичгандай равшан тортди.

Парвозларингиз, бехатар бўлсин, оқ йўл сизларга, қадрли газчилар! Энг замонавий ва энг куркам газ-кимё мажмуи муборак бўлсин, азиз дўстлар! Уни тез суръатлар билан бунёд этган ишчи ва мухандисларга улкан омад тилайман. Сизларга хамиша «Зафар ёр бўлсин!» деб дуо қилиб қоламан.

Одил ЁКУБОВ, Узбекистон халқ ёзувчиси

Ха, андозаси хорижий эллардаги энг

роитимиз ва миллий удумларимизга мос

бу шахарчада яшашнинг ўзи инсоннинг

Узбекистоннинг озод мамлакат сифатидаги ижтимоий тараққиёти, халқимизнинг буюк ишларга кодир миллат сифатидаги ҳақиқий камолоти бундан ўн йил аввал бошлангани ҳам, шу ўн йил ичида халкимиз, мамлакатимиз асрларга арзирли тараққиёт йўлини босиб ўтгани хам хеч кимга сир эмас. Эх-хе, ўтган ўн йил ичида не-не

ишлар рўёбга чиқмади. Не-не муаммоларни хал этмадик. Уларнинг хаммасини бир йўла санаб адогига етиб бўлмайди. Бирок бугун Қарши кенгликларида барпо этилган улкан газ-кимё мажмуининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан мушохада юритаётиб, шу корхонанинг иш

жараёнларига бевосита боглик бўлган иктисодий тараққиётимиз манзараларига тўхталиб ўтишимиз мақсадга мувофикдир.

Кўпчиликнинг едида бўлса, Юртбошимиз Ислом Каримов мустакиллигимиз арафасидаги даврда хам, хурриятимизнинг илк йилларида хам Узбекистоннинг факат хомашё етказиб берувчи республикагина

бўлиб колмасдан, саноати кучли даражада тараққий этган энг илгор мамлакатга айланиши зарурлигини бир неча бор ўртага ташлаган эди. Чунки ўзбекистон шўроларнинг мустабид тузуми даврида факат хомаше етказиб берувчи аграр республикага айлантирилган, халкимизнинг миллий бойликлари бошка худудларнинг белини бақувват қилишга йўналтирилган эди. Огир мехнат билан етиштириладиган пахта хомашёсининг фойдасини ўзгалар

- ундан тайёр махсулот ишлаб чиқарувчилар кўрарди-ю, пахта етиштириш учун зарур бўлган азобли, машаққатларга тўла мехнат бизнинг халкимиз гарданида эди. Хурматли адибимиз Абдулла Қахҳор, ардокли шоиримиз Абдулла Орипов ҳасрат билан ёзганларидек, қиз-жувонларимизнинг хуснлари пахта жуякларида колиб кетар, укувчи ва талаба фарзан-

вымизнинг илм ўрганиш учун зарур оўлган қимматли вақти пахтани парвариш килиш ва йигиштиришта сарф бўлар, бунинг устига пахта етиштириш учун далаларга сочиладиган бутифос сингари захри котиллардан кишлок ахли жабр кўрарди. Бирок шунча машакқату азоблар эвазига халқимиз заррача иктисодий наф курмас эди. Чунки Узбекистон фақат хомашё етиштирувчи республикага айланиб қолган эди.

Шунинг учун хам мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда пахта хомашёсидан тайёр махсулотлар ишлаб чикарувчи ўнлаб қушма корхоналар қурилди. Улар бугун мамлакат пойтахти ва барча вилоятларда жахон андозаларига мос махсулотлар ишлаб чикармокда.

Мамлакатимизда кўплаб ана шундай замонавий корхоналар қурилаётган, уларда ўрнатиш учун энг ривожланган мамлакатлардан илгор технологиялар ва дастгохлар олиб келинаётган кезларда Президентимиздан яна бир хайрли ташаббусни эшитиб нихоятда мамнун булган эдик. Юртбошимиз катта минбардан туриб, Узбекистон мустақил тарақкиёт йўлини танлаган экан, энди у галла ва нефт мустакиллигига хам эришиши зарур, дедилар. Ва бир-икки йилдаёк бунинг хам уддасидан чикдик. Яъни, пахта майдонлари имкон даражасида кискартирилиб, ғалла майдонлари кенгайтирилди. Кишлоқ аҳли ҳурриятимиз шарофати билан кенгайиб колган томоркаларига хам дастлабки экин сифатида аввал ғалла эка бошладилар. Энди е нефт, яъни ёнилги-энергетика мустакиллигига келсак, Кукдумалокда йирик газконденсат конлари ишга туширилди. Бу жойда Америка, Япония ва бошка мамлакатларнинг илгор технологиялари асосида замин багридаги бойликларимизни казиб олиш ва тозалаш жараёнларини амалга оширадиган йирик компрессор станцияси ишга туширилди. Бу эса ўз навбатида Қоровулбозорда энг мукам-

мал хорижий технологиялар асосида барпо этилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини, Фаргона вилоятидаги қайтадан таъмирланаётган нефтни қайта ишлаш корхоналарини махсулот билан таъминлаш имконини берди. Изчиллик билан амалга оширилган ана шундай улуг ишлар туфайли Ватанимиз энергетика мустақиллигига ҳам эга бўлди. Бу, айни пайтда, катта ижтимоий ахамиятга молик вокеа эди.

Мен мухбир сифатида ана шу улкан курилишларда кўп бор бўлганим, улардаги жараёнларни бевосита кузатганимдан мамнунман. Шу йилнинг ёзида Езувчи-

лар уюшмаси йўлланмаси билан бир танишганимизда унинг бош мухандиси 3AABOPABOPAN OAHMAAP MAXOAATM

> гурух адиблар жанубий вилоятларимизда ижодий сафарда бўлганимизда Қарши кенгликларида яна бир йирик корхона қурилаётганининг гувохи бўлган эдик. Ушанда Муборак нефт ва газ конлари бошқармаси бошлиғи, Олий Мажлис депутати Нуриддин Зайниев бу худудлардаги газ ва нефтни қайта ишлаш корхоналарининг қурилиш тарихига оид баъзи биз билмаган маълумотларни хам: мароқ билан тилга олиб ўтган эди. Яъни, Юртбошимиз бундан бир неча йиллар мукаддам Қашқадарё вилоятининг биринчи рахбари бўлиб ишлаган кезларидаёк факат пахтанигина эмас, шу билан бирга газ ва нефт каби кимматбахо бойликларимизни хам хомашё сифатида сотишдан воз кечиб, улардан тайёр махсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш истикболлари билан жиддий равишда кизиккан ва бу хакда мутахассисларга зарур топшириклар ҳам берган эканлар. Эслаб кўрайлик, ана шу йилларда Бухоро гази Москвага хам етиб борди, дея таргибу ташвиқ этилган, халқимизнинг ардокли шоири Абдулла Орипов эса:

Қандай баён қилай фикримни ахир, Олиб келдик бугун ўтимизни хам, дея надомат чеккан даврларнинг шамоли ҳали унча узоққа кетмаган эди. Бироқ бугун шу ҳақиқатга амин бўлмоқдамизки, куни кеча Қарши кенгликларида ишга тушган, газ хомашёсидан бир неча хил махсулотлар олиш имконини берадиган Шўртан газ-кимё мажмуи сингари корхоналарни қуриб, Ватанимиз иқтисодий тараққиётини, элимиз фаровонлигини, кутариш режалари ўша йиллардаёқ халқимизнинг асл фарзандлари қалбида уйғонган ва шаклланган экан. Мустақиллик эса бу режаларнинг амалда рўёбга чиқишини таъминлади. Мутахассисларнинг гувохлик беришича, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга тушган пайтнинг ўзидаёқ Қарши кенгликларида ана шу корхонани қуриш ишлари кенг куламда

бошлаб юборилган. Биз шу йил хурматли ёзувчимиз Одил Еқубов билан, сўнгрок эса мехнаткашлар хузурига ижодий сафарга отланган бир гурух адиблар иштирокида ана шу корхона қурилишида бўлган эдик. Ушанда газкиме мажмуи ишчи-мухандислари яшаши учун қурилган гўзал шахарча, унинг ёнидаги улкан кул ва истирохат богларини кўриб ҳайратимизни яширолмаган эдик. Чунки корхонани хали бориб кўрмасдан, факат унда ишловчилар учун курилган шахарча ва улар хордик оладиган масканларни кўришнинг ўзиёк кувончингизга қувонч қушади. Чунки шу чоққача йирик саноат корхоналаримизда ишчимухандисларнинг яшаши ва ишлаши учун бу қадар катта эътибор ва ғамхурликни курмаган эдик. Турмуши ва иш шароити гузал инсоннинг ишлаб чикарадиган махсулоти хам гўзал ва ноёб бўлиши бор

хакикат. кўркам ишчи қўргонлари лойихалари асосида яратилган, айни пайтда ўз ша-

хаётини хам, у амалга ошираётган ишни хам завкли ва мазмунли килиши шубхасиз. Замонавий чойхоналари, кутубхоналари, клублари бўлган, икки ва уч қаватли, худди қасрларга ўхшаб кетадиган бу биноларда Шўртан газ-кимё мажмуида иш олиб борувчи ўзимизнинг ёш қиз-жувонларимиз, алп йигитларимиз яшамоқдалар. Корхона қурилиши билан

> Уктам Эшмуродов бизни аллақачон қуриб битказилган лабораториялар сари бошлаган эди. Ундаги озодалик, саранжом-саришталикни; компьютерлар ишини кузатиб, энг мураккаб технология ускуналарни бошкаришни машк килаётган ёш йигит-кизларимизни кўриб, уларнинг касби-корларига хам, турмушларига хам хавас қилмаслик мумкин эмасди. Ташқарида ҳарорат 45 даражадан тушмаган жазирама кунларда бу корхонада ишлаётган замонавий ўзбек ишчи-мухандислари-

нинг хоналарида муътадил иклим, салкин хаво, замонавий телекоммуникацияларни кўриб севинчимиз ошганди. Бош мухандис бизга хикоя килиб берганидек, бу корхонани бошқарадиган ишчи-мухандисларимизнинг аксарияти АКШда ва бошқа мамлакатларнинг шу турдаги корхоналарида бир неча ой мобайнида малака ошириб, касб сирларини ўрганиб қайтган эканлар.

Бугун корхона ишга тушиб, махсулот бера бошлади. Муштарийларимиз Шўртан газ-кимё мажмуи ишлаб чиқарадиган бу махсулотларга қизиқиши табиий. Аввалрок айтганимиздек, корхона ер багридан чикаётган газнинг ўзидан бир неча хил махсулотлар ишлаб чикариш кувватига эга. Яъни, аввало, бир неча турдаги тозаланган, хатто хорижий мамлакатларда хам харидоргир бўлган, мамлакат валюта захирасини бойитадиган ёнилги махсулотлари ишлаб чикарилади. Технология ва ишлаб чикариш жараёни шундай танланганки, энди газ таркибидаги фойдали моддалар бекордан бекорга ҳавога учиб ёки шунчаки ёниб кетмайди. Бундан ташқари, газ таркибидаги шу чоққача фойдаланилмай келаётган моддалардан ноёб полиэтилен олинади. Узингиз биласиз, полиэтилен бугун бутун дунёда темир ва пўлатнинг ўрнини босадиган буюмлар ишлаб чикаришда кенг кулланилмокда. Яъни полиэтилен турли буюмлар, идишлар, деталлар ва бошка ўнлаб зарур жихозлар тайёрлашда гоятда кул келадиган махсулотдир. Мана, масалан гурмушда, ишлаб чикаришда куп зарур буладиган газ ва сув кувурларини олайлик. Эндиликда ана шу қувурлар ҳам полиэтилендан ишлаб чикарилмокда. Обихаётни тежаш учун ривожланган мамлакатларда эгилувчан шланглардан, томчилатиб сугориш ускуналаридан фойдаланилмокда. Уларни ишлаб чикариш учун хам Шўртан газидан олинадиган полиэтилен айни муддаодир. Умуман, полиэтилендан олинадиган махсулотларни санаб адогига етиб бўлмайди. Шўртан газ-киме мажмуининг бундай махсулотига ўзимизда ҳам, жаҳон бозорида ҳам эҳтиёж катта. Янги корхона махсулотлари, аввало, мамлакат бойлигига бойлик қушади, халкимиз фаровонлигини таъминлашга пухта замин хозирлайди.

Озод Ватанимиз тараққиёти, халқимизнинг миллий равнакига пойдевор бўлиб хизмат қилаётган янги замонавий корхоналаримиз сони яна биттага купайди. Мустакиллик шарофати, Юртбошимизнинг изчил саъй-харакатлари хамда бунёдкор халкимизнинг азму иродаси билан барпо этилаётган бундай мухташам иншоотлар тараққиёт йулимиз ойдинлигининг яна бир далолатидир. Узбекистоннинг буюк келажагини яратиш йўлида күйилаётган залворли қадамларимизнинг шаходатидир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

маданият ишлари * ВАЗИРЛИГИДА

Маданият ишлари вазирлигининг Мажлислар залида Тошкент шахри хамда республика вилоятларида фаолият кўрсатаётган академик ва халк бадиий жамоалари рахбарлари иштирокида йигилиш бўлди. Вазирнинг биринчи ўринбосари Э.Эрназаров, вазир ўринбосари Б. Курбонов қатнашган бу йиғилишда мазкур жамоаларнинг иш фаолияти билан танишиб, улардаги мавжуд кийинчилик ва муаммолар атрофлича тахлил қилинди ҳамда вазирлик тизимида янги ташкил этилган Академик ва халқ бадиий жамоалари бошқармасининг • келгусидаги вазифалари • белгилаб олинди.

янги томоша

Янги йил арафасида Мукимий номидаги театр жамоаси ўз мухлисларини яна бир сахна асари билан хушнуд этди. Драматург Холик Хурсандовнинг «Топталган туйгу» • пиесасини театрнинг бош • режиссёри Баходир Назаров сахнага қўйди. Асар мусиқасини композитор Фарход Олимов ёзган.

Асосий ролларни актёрлар М.Бекжонова, Г.Носирова, С.Бекжонов, М.Азизов, Х.Тўхтаев, А.Рўзиев, М.Салимов, Д.Узоков, Р.Маъдиев ижро этишмокда.

: 2002 йил — Карияларни қадрлаш йили

Сирожиддин САЙЙИД

BATTAH DECAM...

Бу диёрнинг айвонлари нурга талош, Бу диёрнинг кайвониси ою куёш. Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш, Кўзга сургай нонларини, нонларини.

Тирикликнинг захматлари, такдирлари, Хаётининг бор хикмат хам тадбирлари, Эй, онамнинг тупроккина тандирлари, Иситсангиз жонларини, жонларини.

Ким Ватанни зар тўнига енг этмишдир, Ким багрини осмонлардай кенг этмишдир. Яратганнинг ўзи бугун тенг этмишдир Асрларга онларини, онларини.

Бир суворий келмокдадир - Бобурми ё? Хиротми ё, Хиндистонми ёки Кўнё, Кўриб келди, бундан сўнг хам кўрсин дунё Султонлари, хонларини, хонларини.

Бу диёрнинг айвонлари нурга талош, Бу диёрнинг кайвониси ою куёш, Ватан десам кузимда ёш, юзимда ёш, Кўзга суртай нонларини, нонларини.

Нечун ўтмок хасад экиб умрларга, Дилни ўраб гараз, риё — кўмирларга? Хавас қилиб яшанг улуғ Темурларга, Эй билгайдир шонларини, шонларини.

КУПКИРРАЛИ XAMKOPJINK

Якинда пойтахтимиздаги Франция элчихонасида «Ўзбекистондаги маданий, илмий ва техникавий хамкорликнинг 10 йиллиги» номли китобнинг такдимоти бўлиб ўтди. Китобда Франция элчихонасининг мамлакатимиз билан биргаликда амалга оширган диккатв га молик тадбирлари, икки давлатнинг ўзаро дипломатик алоқалари қисқа ва аниқ далиллар асосида баён этилган. «1993 йил 27 октябрда имзоланган дўстлик ва хамкорлик шартномаси, Франция - Ўзбекистон хамкорлик муносабатларининг таъмал тошидир. Бу мухим хужжат юксак тамойилларга асосланган булиб, унда Узбекистон билан маданий, илмий-техникавий хамкорлик сохасидаги француз ташаббуслари ўз аксини топ-

ган», - дейилади китоб дебо-

часида.

Дархакикат, икки халк икки давлат ўртасидаги муносабатлар мустакиллик йилларида теран равишда шаклланди ва равнак топди. Хусусан, тил ва таълим сохасидаги хамкорлик асосида мактаблар ва университетларга ўн йилдан бери 10000 нусха француз тили дарсликлари тарқатилди. 200 нафар ўзбекистонлик француз тили ўкитувчилари Францияда малака ошириб келишди. Юртимизда 4000 ўкитувчи француз тилидан дарс бераяпти. Университетлараро алмашинув дастурига мувофик 1000 га якин ўзбек талабаси қисқа муддатли стипендиялар дастури буйича, баъзилари эса Франциядаги олий ўкув муассасаларида тўлик ўкишга муяссар булдилар.

Шунингдек, радио, телевидение, кино сингари аудио-

МАДАНИЙ ХАЁТ

Тошкент давлат консерваториясининг бир гурух ўкитувчи ва талабалари Олмаотада бўлиб ўтган І-Халқаро торли квартетлар мусика фестивалида иштирок этищди. Сафар таассуротлари ҳақида консерваториянинг торли чолғулар кафедраси доценти Улугбек Имомов куйидагиларни сўзлаб берди:

-Фестивалда Ереван, Санкт-Петербург, Бишкек ва бошқа шаҳарлар консерваториялардан 40дан зиёд мусиқачилар қатнашдилар. Бир ҳафта давомида энг кучли торли квартет ижрочилари беллашдилар. Бизнинг гурухимиз Моцартнинг «Дивертисмент»и, композитор Б.Гиенко ва бошка композиторларнинг миллий мавзулардаги куйларини ижро этдилар. Биз чалган квартет ноталари Олмаотада компакт дискка ёзилди. Фестивалдан диплом совриндори булиб қайтдик.

М.КАРИМОВА ёзиб олди

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети талабалар уйида рассом-педагог Бахром Тожиев асарлари кўргазмаси бўлди. Рассомнинг графика ва рангтасвир асарлари, айникса, «Киш», «Эрта бахор», «Кул буйида», «Гаройиб бола», «Нор йигит» каби манзара ва портрет жанридаги асарлари диккатни тортади.

Болажонларимизнинг турли қиёфаларини, шунингдек, табиат манзараларини чизиш менга катта куч бағишлайди. дейди Бахром Тожиев. Бегуборлик ва гўзаллик олами хамиша ўз багрига чорлайди.

Узбекистон Бадиий академияси кургазмалар залида рассом Гафур Қодиров ва ҳайкалтарош Саидолим Шариповнинг шахсий кургазмалари намойиш этилди.

Fафур Кодировнинг асарлари Англия, Испания, АКШ, Туркия ва Швецария каби ривожланган мамлакатларда хам юқори бахога сазовор бўлган. Унинг «Парвоз», «Лайли ва Мажнун», «Қайғу», «Гул кўтарган қиз», «Рамазон», «Севишганлар», «Тонг» каби асарлари рухият улугворлигининг гўзал намуналаридир. Кўргазмадан ҳайкалтарошнинг турли жанрларда яратган асарлари ўрин олган.

Гулистон шахар мехрибонлик уйида катта концерт дастури намойиш этилди. Унда «Сирдарё наволари» ашула ва ракс дастаси хонандаси, Узбекистонда хизмат курсатган артист Асадилло Холиков, раккосалар Оксана Скляр, Татяна Красникина ва хонанда Шухрат Абдуллаевлар ўзларининг куй, қўшиқ ва рақслари билан кўнгилларни хушнуд этдилар. Тадбир сўнгида мехрибонлик уйи болаларига вилоят хокимлигининг совгалари топширилди.

м.КАРИМОВА

А. Кодирий номидаги Навоий вилоят илмий универсал кутубхонасида шоира ва давлат арбоби Нодирабегим таваллудининг 210 йиллигига бағишланган бадиий кеча бўлди. Кутубхона директори Ихтиёр Хамроев шоира хаёти ва ижоди хакида маъруза килди. Хусниддин Рахматов ва Салим Мамадиёров Нодира газалларидан намуналар ўкидилар. «Назокат» қизлар рақс дастаси жозибали рақслари билан кечага файз багишлади.

С.ЖЎРАЕВА

визуал сохада хамда мусика, саньат, театр ва нашр сохала рида хам маданий хамкорлик алокалари ривож топиб борётир. Булардан ташқари астраномия ва теледетекция, зоология, гляциология, геология ва геофизика, математика, материаллар физикаси, археология ва атроф-мухитни ўрганиш бўйича илмий-техникавий хамкорликлар хам хар иккала томон учун нуфузли ахамият касб этмокда

Янги китобнинг такдимот маросимида Франциянинг Узбекистондаги элчиси Жак Андре Костил жаноблари. мазкур элчихонанинг маданий тадбирлар ва хамкорлик бўлими маслахатчиси Анри Томазинилар матбуот ходимларига шулар тўгрисида маълумот бердилар. «Булардан ташқари,

деди элчи жаноблари, биз якинда Тошкентда Француз маданият марказини очяпмиз. Бунинг учун тегишли рухсатнома олинган. Албатта, ушбу марказ фаолиятимизнинг янада кенгайишига муносиб замин яратади.»

Шунингдек, мазкур тадбирда яна бир янги китоб -«Узбекча-французча луғат» хакида хам сўз борди. Икки тил таржимони булган бу китоб Париждаги «Дунё ва тил» лар» нашриётида 1000 нусхада чоп этилган. Унинг лугат бойлиги 15000 сўздан ортади. Уни иккита француз тадкикотчиси Иоан Юрес ва Байрам Балчи хамда икки ўзбек вакили Худойкул Иброхимов ва Улугбек Мансуровлар биргаликда тузишган.

Сафар ОЛЛОЕР

Иил якунида барча ишларни сархисоб қилиш, ютуқларнинг омилларини, камчиликларнинг сабабларини тахлил этиш яхши

анвана. Олий ва ўрта махсус ўкув юртларига талабалар қабул қилиш тест синовлари асосида амалга оширилаётгани истиклолимиз неъматидир. Юртимизда биринчи марта тест синовлари 1992 йилда тажриба сифатида бошланган эди. Шундан буён у анча такомиллашди. Таъбир жоиз булса, мамлакатимизда бу сохада каттагина тажриба тўпланди. Хўш, бу тажриба нималардан иборат? Биздаги тест тизими бошқа жойлардагидан нимаси билан фарк килади? Энг асосийси, бу йилги тест синовларининг натижалари хакида кандай хулоса чикариш мумкин?

Узбекистон Республикаси давлат тест маркази директора Мухсин Мухиддинов мухбиримизга бу хакда куйидагиларни сўзлаб берди:

-Мамлакатимизда тест тизими бевосита Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган эди. 1993 йилда бизда МДХ худудида биринчи бўлиб унинг конуний асослари яратилди. Шуни таъкидлаш лозимки, тест синовлари Қозоғистонда

ги тест саволларининг эллик фоиздан ортикроги қайта ишланди. Уларнинг вариантлари бошқатдан кўриб чиқилди. Барча фанларга «Ахборотнома»да эълон килинмаган саволлар хам қушилди. Булар шубҳасиз бола-

ларнинг саволларни едлаб олиш

2000 йилда, Россияда 2001 йилда жорий этилди. Киргизистонда эса бу йўналишдаги ишлар энди бошланяпти.

Албатта, ўтган тўққиз йилда Узбекистонда бу сохада анчагина тажриба тупланди. Дастлабки йилларда хорижликларнинг икки вариантли технологияси ва универсал саволлар китобчасига асосланган тест ўтказиш усули, шунингдек, тест саволлари сонининг бироз чекланганлиги, вариантлар тузишнинг қулда бажарилиши ўкувчилар билимини ўта холисона бахолаш имконини бермади. Махфийликни таъминлашни мураккаблаштирди. Шунинг учун хам 1996 йилдан эътиборан янги тест технологияси асосида изланишларни бошладик. Бунда компьютер, ахборот технологиясидан самарали фойдаланиш, янги тест топширикларини тузиш ва синовдан ўтказиш, саволлар жамғармасини купайтиришта эътибор қаратилди. Бу, шубҳасиз, ўқувчиларнинг билим даражасини ўта аниклик билан бахолаш имконини берди. Узбекистонда шу асосда куп вариатли тест тизими ишлаб чикилди. Бу тизимнинг жорий килиниши тест технологиясини тубдан ўзгартирди ва юкорида тилга олинган камчиликлар бутунлай бартараф этилди.

Иккинчи мухим ишимиз, йилдан йилга тест саволлари жамғармасини купайтириб боряпмиз. Бу ишта олий ва ўрта махсус ўкув юртларининг профессор-ўқитувчилари, тажрибали муаллимлар, УзРФА институтларидаги илмий кучларни жалб қилганмиз.

Тест топширикларининг мукаммал булишига катта эътибор беряпмиз. Бунда саволлар мутахассислар томонидан бир неча марта такриз килиниши маълум даражада ёрдам бермокда. Чет тиллардаги тест саволларини хорижлик мутахассислар билан маслахатлаштан холда тайёрлаяпмиз.

Бу йил тест топшириклари жамгармаси бир мунча кўпайтирилиб, 120 мингтага стказилди. 1996-2001 йилларда-

имкониятини чеклади. Албатта. 120 мингта саволнинг жавобини хар қандай иқтидорли бола хам ёдлаб ололмайди. Фикрли, билимли абитуриент эса тест

синови пайтида бу саволларга

бемалол жавоб бера олади. Марказимизнинг бутун фаолияти оммавий ахборот воси таларида мунтазам ёритилиб тез-тез журналистлар билан матбуот анжуманлари ўтказиб турамиз. Бундан ташқари, мунтазам «Ахборотнома», «Вестник», «Хабарнома» журналларини чикариб турганимиз хам очик ошкора ишлаетганимизнинг бир белгисидир. Бу жур налларда нафакат тест саволла ри, балки саволларнинг тахлили, тест технологияси, ўкувчиларнинг билим даражасини бахолаш усуллари ва бошка мавзулардаги илмий-методологик маколалар хам эълон килина-

Тўгрисини айтсам, ошкоралик марказ ишига муайян даражада ёрдам бермокда. Бизга турли вилоятлардан, барча касб эгаларидан хатлар, таклифлар келиб туради. Танқидий фикрларни, таклифларни ўрганиб чикамиз. Улар тўгри бўлса қабул қиламиз. Келгусида бундай камчиликларга йўл қўймасликка интиламиз.

Марказимизда 1996 йилдан буён аппеляция тартиби амал қилмоқда. Бу дегани ўзи тўплаган балдан қониқмаган абитуриент бемалол апеляция комиссиясига мурожаат қилиши мумкин. Комиссия эса унга жавоб варақаларини хеч бир тўсиксиз курсатади.

Тест синовларида хар йили марказимизнинг 800 дан ортикрок вакили, 16 мингдан ортикрок аудитория рахбарлари ва кузатувчилар иштирок этади. Бу йил барча аудитория рахбарлари ва кузатувчиларни, марказимиз вакилларини тест технологияси ва расмий тартибқоидалари буйича синовдан ўтказдик. Ушбу синовда айрим кузатувчи ва аудитория рахбарлари ўз ишларига масъулият билан ёндошмаганлиги маълум

Бу йилги натижалар тест

синовлари тартиб-коидаларига етарли тайёргарлик кўрилмаганлигини кўрсатди. Бундан ўз-ўзидан умумтаълим мактабларида тест технологиясини ўргатишга унчалик эътибор берилмаяпти, деган хулоса келиб чикади.

Тест тизими жорий этилгандан буён мамлакатимизда олий ва ўрта махсус ўкув юртларига кириб ўкишга қизикиш ортиб бормокда. Буни йилдан йилга абитуриентлар сони кўпайиб бораётганлигидан билса бўлади. 2001 йилда абитуриентлар сони рекорд даражага етди. Уларнинг 69,5 фоизини қишлоқ ёшлари ташкил этади.

Ижтимоий қатлам нуқтаи назаридан олиб қарайдиған булсак, жами абитуриентларнинг 61 фоиздан ортигини ишчи ва қишлоқ мехнаткашлари болалари, 24,4 фоизини зиёлиларнинг фарзандлари, 2,9 фоизини ишбилармонларнинг ва 11.6 фоизини бошка касб эгалариининг фарзандлари ташкил этди.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қизиқишлар минтақа-⊌ вий нуқтаи назардан ҳам ҳилма-хил. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида математика, техника, тарих, биология устувор саналса, Фаргона вилояти ўкувчиларида иктисодиет. педагогика, юристпруденсияга қизиқиш кучлироқ.

Тест тизимининг энг мухим вазифаларидан бири ижтимоий адолатни таъминлаш - кишлок мактаблари битирувчиларининг олий касбий маълумот олиши учун шахарликлар билан бир хил шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиб беришдан иборат. Кейинги йилларда бунга эришдик ҳам. Бу йилги маълумотларга қарайдиган булсангиз, республика буйича қишлоқ мактаблари битирувчиларининг билим даражаси куп сохаларда, жумладан, халқаро туризм, тарих, нефть-газ ишлари, геология йўналишларида анча юкори эканлигини кўрсатди. Бу кўрсаткични вилоятлар бўйича солиштирсак, Тошкент шахри, Бухоро ва Хоразм вилоятлари мактабларида таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилгани, Сурхондарё, Сирдарё ва Фаргона вилоятларидаги мактабларда эса ахвол қониқарсиз эканлиги аён бўлади

2001 йилда 1998 йили ташкил этилган академик лицейларнинг дастлабки битирувчилари олий ўкув юртларига кириш учун ўзларини синаб кўрдилар. Академик лицейларни битирган 1385 ўқувчининг 683 таси турли олий ўкув юртларига хужжат топшириб, тест синовларида қатнашишди. Бу синовларнинг натижалари академик лицейларда таълим-тарбия ишларини янада жонлантириш зарурлиги кўрсатмокда:

Абитуриентлар сонининг йилдан йилга ошиб бориши ва тест синовларининг куп вариантли технология асосида амалга оширилаетгани хужжатларни қабул қилиш муддатини бироз олдинга суришни такозо этмокда. Илгор хорижий мамлакатларда бўлажак абитуриентлардан аризалар бутун йил давомида қабул қилинади. Хулоса қилиб айтадиган булсак, тест энг адолатли синов сифатида ўзини тўла оклади. Буни барча эътироф этмокда.

Бугунги адабий танкиднинг ахволи, даражаси, адабий жараёнга муносабати хусусида айтилаётган танқидий мулохазаларни ўқиб, бир томондан, танкидга эътибор, талаб ошаётганидан қувонасиз, иккинчи томондан, оддий китобхонни-ку тушуниш мумкин, бевосита «танкиднинг нонини ейдиган» мутахассисларнинг ўзлари бугунги танкидчилик жабхасидаги реал ахвол, жараёнлардан етарли даражада хабардор эмаслигини кўриб афсусланасиз.

Бошидаёк очигини айтай, кирк йилдан ошикрок вакт мобайнида танкид майдонида бахоли қудрат куч синаб юрган булсам, хеч қачон ўз фаолиятим, қолаверса миллий адабий танқидчилигимизнинг холат, савия-даражаси мени асло қаноатлантирган эмас. Бироқ жамики кам-кўстларига, ожизликларига қарамай ўзбек адабий танқидий тафаккури ривожи ҳеч қачон кейинги ўн йилдагидек самарали бўлган эмас. Энг мухими, шу йиллар давомида танкид гоявий-мафкуравий,

методологик йўналиши жихатидан туб ўзгаришни бошидан сохта акидалардан мажбуран тикиштирилган методологик йўл-йўриклардан холос булди, айни шу йул-йурик асосида яратилган сон-саноксиз илмий тадкиқотлар, жумладан,

ўзбек адабиёти, танкидчилиги тарихи, адабиёт назарияси китоблари, дарслик, ўкув кўлланмалари ўз ахамиятини йўкотди. Нихоят, бизда хам давр синовларидан ўтган хилма-хил, сўз санъати табиатига мос замонавий илмий манбалар карор топа бошлади Бу йил куп асрлик миллий кадриятларимиз, ада бий меросимизни қайта идрок этиш, бахолаш янгича талқин қилишга уриниш даври булди, бу йўлда муайян ютуклар қўлга киритилди.

Тўгри, бу жараён осонликча кечаётгани йўқ. Янги ижтимоий тизим - бозор иктисодига ўтиш муносабати билан юзага келган қийинчиликлар адабий танкид жабхасини четлаб ўтаётгани йўк. Мана шу синов онларида танкид жабхасини ташлаб бошка «ёглирок» сохаларга, жумладан, Отчопарга кетганлар ҳам бўлди. Бирок, кузатишлар шундан далолат берадики, бошка илмий соха одамларига қараганда ўз сохасига энг содик, фидойилар айни адабиётшунос-танкидчилар экани маълум бўлди. Шу йиллар давомида филология буйича толиби илмлар, номзодлик, докторлик диссертацияси устида тадкикот олиб борувчилар кўпайса кўпайдики, камаймади. Ана шу фидойи адабиётшуносларнинг саъй-харакати туфайли қисқа вақт ичида халқ оғзаки ижоди мумтоз адабиётимиз, янги ўзбек адабиёти тарихи янгидан ёзила бошлади; тасаввуф адабиёти, жадид адабиёти бор басти билан қад ростлаё-

кухна шахарларидан булган қадим

Термизнинг икки ярим минг йил-

лик туйини кенг нишонлашга та-

раддуд кўрилмокда. Шу муносабат

билан журналда эълон қилинган

мақола ва сухбатларнинг аксария-

ти жахон тамаддунида мухим ўрин

тутадиган Термизнинг бой тарихи,

ўтмиш маънавий ва маданий ёдгор-

ликлари, меъморчилиги ва санъа-

ти ҳақида ўқувчиларга тўлиқ тасав-

вур беради. Э. Ртвеладзенинг "Тер-

миз ва унинг Урта Осиё тарихида

тир. Бир вактлар катагон килинган канчадан-канча ноёб санъат асарлари халққа қайтарилди... Булар жуда катта ижодий мехнат-шижоат самарасидир. Диссертация химояси мажлисларидан бирида иштирок этган таникли адиб О. Екубов бугунги кунда тирикчилик ташвишларидан ортиб, маънавият жабхасида шундай савоб ишларни адо этаётган зиёлилар мехнатини чинакам жасорат кахрамонлик деб таърифлади.

Қатор чиқишларда адабий танқид бугунги адабий жараёндан ажралиб қолгани, унга етарли эътибор берилмаётгани айтилаётир. Бу гапларда жон бор ва айни пайтда бу ходисанинг муайян сабаблари хам бор. 90-йиллар давомида фаол фидойи танкидчиларимиз учун жорий адабий жараёндан кўра, янги ўзбек адабиёти тарихини қайта идрок этиш, бахолаш мухимроқ ва зарурийрок бўлиб туюлди. Чўлпон шеърияти, насри, Фитрат драматругияси, адабий-танкидий мероси буйича салмокдор тадкикотлар яратилди. Эъти-

Умарали НОРМАТОВ

кечирди; неча ўн йиллар давомида та-раккиёт йўлида ту-шов бўлиб келган AAPAKATIIA

Бугунги адабий танкидга яна бир назар

бор берилса, кизгин бахс-мунозаралар, янги замонавий асарлар устида эмас, купрок «Бой ила хизматчи», «Кутлуғ қон», «Зайнаб ва Омон», «Кўкан», «Сароб», «Угри», «Синчалак», «Алишер Навоий», «Мирзо Улугбек» каби мумтоз асарлар, шўро даври адабий сиёсати, унинг асоратлари устида кетди. Кизгин тортишувлар асносида катор муаммоларга ойдинлик киритилди.

Бундай жушкин ижодий изланишларнинг самараси ўларок «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» китоби майдонга келди. «Узбекистон овози» «Жахон адабиёти», «Тафаккур» каби нашрлар бу китобни илмий-маданий хаётимизда мухим ходиса сифатида бахолади. Айни пайтда Тил ва адабиёт институтида кўп жилдли "Узбек адабиёти тарихи" устида кизгин иш олиб борилаётир.

Хозирги адабий жараён тадқиқи хусусидаги кескин эътирозларга тула қушилиб булмайди. Бу соха танкидчиликнинг эътиборидан бутунлай четда, у ижодий жараённинг энг танкидбоб нуктасига айланиб қолди, деган мулохазалар мунозарали. 90-йиллари майдонга келган «Хотирам синиқлари», «Сохибкирон», «Тушда кечган умрлар», «Отамдан қолган далалар», «Минг бир қиёфа»дан тортиб «Бозор», «Она лочин видоси», «Бир кошона сирлари», «Шўродан қолган одамлар», «Шамолни тутиб бўлмайди», «Қоракўз мажнун»у «Офтобойим»га қадар эътиборга сазовор роман, қисса, драма, достон, хикояларнинг барчаси хакида танқид матбуотда бахоли қудрат ўз сўзини айт-

Манкидни танкид

ди. Фақат бугина эмас, энг фаол адиб Ш.Холмирзаев ижоди буйича бир эмас, учта номзодлик диссертацияси ёкланди. Нусрат Рахмат «Эскалатордаги одам» маколасида «Негадир адабий танкид «Шайтанат» ёки шунга ўхшаш қизиқиш билан ўкиладиган китобларни тахлил килиб бермади» дея ранжийди. Холбуки, «Шайтанат» хакида ўнлаб маколалардан ташкари бутун бошли номзодлик диссертацияси ёзилди. Саид Ахмад, О. Екубов, П. Кодиров, А. Орипов, У. Хошимов, Т. Мурод, О.Мухторов, Х.Дўстмухаммад, У.Азим, Фахриёр, Б.Рўзимухаммад яна ўнлаб хозирги куннинг пешқадам қалам ахли ижоди тадқиқига бағишланган

магистрлик, номзодлик, докторлик диссертацияларидаги гаплардан мутлако бехабар холда бугунги танкидчилик холати, савия-даражаси устида хукм чикариш инсоф ва адо-

Диссертациялар, уларнинг авторефератларидан бехабар колишни хозирча кечирса булади. Улар тор мутахассислар доирасига мулжалланган. Бирок оммавий нашрлардаги гап-сўзлардан бехабар холда танкид устида бахс юритадиган кишини асло кечириб булмайди.

Езувчилар уюшмасида кўпдан адабий тур, жанрлар буйича йиллик мухокамалар утказиш анъанаси бор. Айникса, проза мухокамалари хамиша жушкин ўтади. Баъзи истисноларга қарамай, кейинги ўн йил ичида бу анъана давом этди. Бундай анжуманларда М.Али, Ш.Бўтаев, Р.Отаев, И.Мирзаев, Р.Кўчкор, А.Улугов каби ёзувчи, мунаккидлар мазмундор маърузалар қилдилар. Шахсан менинг ўзим уч бор чикиш килдим. Маърузаларнинг аксарияти макола шаклида «Шарк юлдузи», «Жахон адабиёти», «Узбекистон адабиёти ва санъати», «Езувчи» сахифаларида эълон этилди. Агар улар бир вактлар чоп этиладиган «Адабиёт ва замон» китоблари каби тўплам холида чикканида борми, бундай нашр бугунги ўзбек насри, бинобарин, хозирги адабий жараён хакида муайян тасаввур берар, адабий танкид эса мавжуд маломатлардан оз бўлса-да, қутулармиди, деган ўйга борасан киши.

Энг қувончлиси, кейинги йилларда миллий адабий танкидчиликнинг янги сифат боскичига кўтарилаётганидан далолат берувчи ёш мунаккидлар авлоди шаклланиб келяпти. Ш.Ризаев, Д.Куронов, Р. Кўчкоров, А. Улугов, Б. Каримов, А. Отабой, М.Қаршибой, У.Хамдам шулар жумласидан. Ш.Ризаевнинг «Саҳна маънавияти» номли мўъжазгина китоби театр танкидчилигида янги суз,

Давоми тўртинчи бетда

Узбекистон Бадиий академияси муассислигида нашр этилаётган "SAN^AT" журналининг шу йилги 2-сони Термиз

шахрининг 2500 йиллигига бағиштутган ўрни", Э. Гул қаламига манланди. ЮНЕСКО 30-сессияси суб "Қадимги Бақтрия — маданихамда Узбекистон Республикаси ятлар муштараклиги манзили", Б. Вазирлар Махкамаси қаро-

рига биноан айни кунлар- Термиз шахрининг 2500 йиллиги олдидан ижодида" сарда озод Ватанимизнинг ж

Тургуновнинг "Айритом", Ш. Рахмонов ва М. Реутованинг "Товка қалъаси деворий суратлари", П. Зохидовнинг "Кадимги обидаларнинг тарихий-меъморий муаммолари" М. Юсупованинг "Термиз. Урта асрлар меъморчилиги хусусиятлари' каби мақолалари шулар жумласи-Сурхондарё вилояти хокими,

Олий Мажлис депутати Бахтиёр Олимжонов билан қилинган "Мангуликка дахлдор шахар" сарлавха-

ли сухбатни қадим Термизнинг тарихи, бугуни ва эртанги истикболи хақида мароқли хикоя, дейиш мумкин.

"Сурхондарё Узбекистон рассомлари лавхали маколада эса Ж. Умарбеков,

Р. Чориев, Б. Курбонов,

Н. Хабибуллаев, В. Бурмакин, А. Хотамов, Х. Иўлдошев, Т. Миржалилов ва бошка таникли муйқалам усталарининг Сурхондарё табиати, одамлари, ўтмиш маданияти, осору атиқаларидан илхомланиб яратган рангтасвир асарлари яратилиш тарихи хакида хикоя қилинади.

Журналнинг ушбу сони билан батафсил танишиб чиққан ўқув-



чилар жахон цивилизациясида мухим ахамият касб этувчи кухна Термизнинг бой тарихи ва маданияти билан ошно бўлибгина қолмай, айни пайтда Сурхон вохасининг бетакрор табиати, осмонталош тоглари, обидалари, танти, халол ва мехнаткаш одамлари хакида хам тўлик тасаввур хосил қиладилар.

Кон-конимизга сингиб кетган она тилимизнинг жозибасини хис этганимиз сари унинг қудрати бизни ўз оламига чорлайверади.

Узбек тилига давлат тили макоми берилиши ва мустакиллик шарофати билан республикамизда яшаётган юздандан ортиқ миллат вакиллари хам она тилимизнинг гўзаллигию сўз бойлигидан бахраманд бўлмоқдалар. Айникса, таълим бошка тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилидан сабоқ берилаётганлиги қувонарли ходиса. Ана шундай мактаблар учун хам жахон андозалари асосида "Узбек тили" дарсликлари чоп этилаётир.

 Бу дарсликларни ягона дастур асосида яратишга муваффак бўлдик, дейди дарсликлар муаллифи, педагогика фанлари доктори, профессор Раъно Толипова. -Унда тил ўкитишда, асосан, чет элларда кўп йиллардан бери кенг микёсда кўлланиб кела-

ётгани каби, ўкувчи-ларда нуткий кўникмаларни шакллантириш кўзда тутилган. Шунга кўра, хар бир мавзу бўйича ўкувчиларда тингланган ну-

тқни тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш кўникмаларини бир йўла бирбирига боғлиқ холда шакллантиришга харакат қилганмиз. Асосий мақсадимиз бошка миллат вакиллари бўлган ўкувчиларга ўзбек тили орқали халкимизнинг бой маънавий ва илмий хазинаси, унинг анъаналари, урф-одатлари, кадриятлари, маданияти билан танишиш имкониятини яратишдир.

Бу дарсликларнинг дунёга

келиш жараёни қандай кечди? Айрим мутахассисларимиз тил ўкитиш деганда асосан грамматикани тушунади. Менинг назаримда, болаларга, энг аввало, фикр ифодалашни ўргатиш керак. Асосий эътиборни, нутк ўстиришга қаратишимиз ло-

1998 йили биз Вазирлар Махкамаси қарорига мувофик 15 кишидан иборат гурух тузиб, дастур ишлаб чикдик. Чет эллик хамкасбларимизнинг тажрибаларини ўрганиб, икки йўналишда иш олиб бордик. Узбек

мактабларида рус тилини ва рус мактабларида ўзбек тилини ўкитиш бўйича ўкув материалларини тайёрладик. Республика туманларида 300 га якин экспериментал мактабларимиз бор. 2синфдан 9-синфгача бўлган ўкув материалларининг хар ойлигини алохида-алохида ўша мактабларга юборганмиз. Укитувчиларнинг фикрига асосан дастурга ўзгартиришлар хам киритдик. Хуллас, бир ярим йилдан сўнг дастур хакидаги фикрлар жамланиб, бир тўхтамга келинди. 1999 йил июлида Халқ таълими вазирлиги томонидан иккала дастур ҳам тасдиқланди. Узбек мактабларининг 2-, 3-, 4-, 5-, 6-, 8синфлари учун "Рус тили" дарсликлари, рус мактабларининг 2-, 3-, 4-, 6-синфлари учун "Узбек тили" дарсликлари "Укитувчи" нашриётида чоп этилди. Қолган дарсликлар устида ҳам иш олиб боряпмиз.

— Раъно опа, сизни аввало, "Тил ва адабиёт таълими" ва "Преподавание языка и литературы"

журналларининг бош мухаррири

сифатида яхши таниймиз. Бундан

ташқари, "Узбек тили маркази"-

нинг рахбарисиз. Шу билан бирга,

хам рус тилида, хам ўзбек тилида

дарсликлар ёзасиз. Бу қийин

са, қуллаб-қувватлашса, ҳар қандай

қийинчилик ортга чекинади. Муваффа-

қиятларимдан рухланиб, ишга кири-

шиб кетавераман. Албатта, дарслик-

лар жуда қийинчилик билан дунё юзи-

ни кўрди. Нега десангиз, эски қолип-

лардаги дарсликларни чоп этишга

ўрганиб қолганимиздан, бу жараён

кийин кечди. Фотима Кодирова, Ни-

гора Икромова, Мавлуда Исхокова,

Наима Убайдуллаева, Халима Иўлдо-

шева, Дилбар Қосимхўжаева, Фари-

да Умарова, Муяссар Шомирзаева

каби хаммуаллифларим бу йўлда мен-

тили маркази"ни очиб, унинг қошида

дарслик чоп этиш учун нашр хукукини

1999 йилнинг март ойида "Узбек

га катта ёрдам беришди.

Хамкасбларим мени тушуниш-

эмасми?



олдик. 6-синф учун "Ўзбек тили"ни шу марказда замонавий дизайнлар билан

- Раъно опа марказ қошида миллий этнографик театрни ташкил этиб, мени шу театрга таклиф қилдилар, дея "Узбек тили маркази" директори ўринбосари Инобат Турсунова сухбатимизга кушилади. - Бадиий рахбаримиз Қахрамон Саъдуллаев билан асосан, миллий урф-одатларимиз акс этган сахна кўринишлари устида ишладик. Раъно опа нафақат олима, балки махаллада ҳам фаол аёллардан. Театримиз иштирокчилари у кишининг махалладошлари -Шайхонтохур туманидаги "Янгиобод" махалласидаги хаваскорлардан ташкил топган. Хозир томошаларимизни турли дам олиш масканларида намойиш этиб келяпмиз.

Хар куни журнал тахририятига миннатдорчилик сўзлари битилган мактублар, хат-хабарлар ёгилиб келади. Узбек тили ўкитувчиларининг кувончини айтмайсизми? Хатларнинг бирини ўкийман:

"Мен Р.Толипованинг 3-синф учун чоп этилган дарс-

безаб, аъло сифатли когозларда чоп этдик. 1999 йили марказда нашр этилган биринчи китобимиз Юна Азизхонова билан хаммуаллифликда ёзилган чет элликлар учун "Узбек тили" амалий курс китоби бўлди. Хозир бу китоб дарслик сифатида олий ўкув юртлари талабаларига хам аскотяпти. Укитувчилар учун методик қўлланмаларни хам марказда, журналларимиз-

га илова сифатида чоп этяпмиз. Раъно опа билан сухбатлашяпману, у кишининг шижоати ва тахсинга лойик ишларига нисбатан хайратимни яширолмайман. Харакатлари чаққон, ораста бу аёлга неча ёш беришга хам қийналаман.

Узларидан сўрасам, Раъно опа 65 бахору ёзни қаршилаған, беш нафар фарзандни уйли-жойли қилиб улгурган эканлар.

Опа билан сухбатлашганим сари хайратим мехрга айланади ва қалбимда беихтиёр, ҳақиқий ўзбек аёли шундай бўлиши керак, деган фикр уйгонади...

лиги билан ишлаяпман. Дарсликда лар, бошкотирмаўкувчиларнинг

фикрлаш қобилиятини ошириш ва мавзуни ёдда сақлаш учун ҳар хил суратлар; саволларга болаларнинг ўзлари қийналмай жавоб топиши учун қизиқарли машқлар, сухбатлар берилган. Бундай ажойиб китоб билан ўтаётган дарс соатларимиз байрамга айланмокда, десам муболага бўлмас...

Мен китоб муаллифига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Зарафшон шахридаги 3-мактаб ўкитувчиси Уктам Райимов".

... Одамларга керак булиб яшашга нима етсин! Уз мехнатидан рухланиб яшаш — қанчалик марокли!

Раъно Толипова билан дарсликлар бахона учрашиб, дилкаш ва ишбилармон аёл рахбарлигида эзгу ишлар амалга оширилаётганлигининг гувохи бўлдим. Ва орамизда шундай инсонлар бор экан, Ватанимиз хамиша гуллабяшнашига яна бир бор ишондим!

Адиба ХАМРО кизи

YMMOH OIIITAH ГУЗАЛЛИК

Якинда Японияда ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океан минтакаси маданият маркази (АССИ) "Халқлар ва либослар" деб номланган халқаро фототанлов ўтказди. 🤻 ЮНЕСКОга аъзо булган

27 давлат вакиллари юбо- 5 ришган минглаб ранг-баранг фотосуратлардан 7648 таси танлов учун ажратиб олинди. Танлов голиблари нуфузли хайъат томонидан аникланди.

Шуниси қувонарлики, совриндорлар сафида таникли рассом ва бадиий фотосурат устаси, Узбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Кузиев хам бор. Мазкур танловда унинг "Момолар" деб номланган асари совринга мувофик топилди.

Бу нуфузли фототанлов Токиода хар йили хар хил мавзуларда ўтказилади. Ва унда муваффакият қозонган



асарлар Осиё ва Тинч океан минтакаси буйлаб кучма кургазмаларда намойиш этилади. Демак, хамюртимизнинг ушбу совринга сазовор бўлган асарлари хам катта жугрофий худудда ўзбек оналари киёфасини таништиришта муваффақ бўлиши шубхасиздир.

Шу ўринда муаллиф ҳақида икки оғиз сўз. Турсунали Қўзиев мохир рангтасвирчи рассом сифатида ном қозонган мусаввирларимиздан. Бадиий сурат-

кашлик эса унинг ижодининг иккинчи қирраси, дейиш мумкин. Зотан, бир неча йиллардан буён унинг турли мав-

> бир қатор хорижий мамлакатларда намойиш

суратлари кўргазмалари

Бу фотосуратларда бадиийлик халқимиз тийнатига хос хусусиятлар билан ифодаланган. Уларда тарихийлик хам, янги замон рухи хам миллий шак-




лу шамойиллар билан узвий равишда уйгунлашган.

Биз таникли мусаввир ва бадиий фотосурат устаси Турсунали Кузиевни халқаро эътроф билан қутлаган қолда ижоди янада равнақ топаверсин, дей-

С. ОЛЛОЕР

СУРАТЛАРДА: Турсунали Қузиевнинг фотоасарларидан намуналар.



СЕВИШГА ЎРГАТИБ БУЛМАЙДИ

Ургатайми сени яшашга?! Кулишга ўргатиб бўлмайди. Курашга ўргатиб бўлмайди. Фақат ичмоқ керакдир ташна — Дунё бизга тутқазган майни.

Кўнглинг тўлсин, дейман, севинчга, Сен ёнмасанг, кўнглим тўлмайди. Кузги телба шамоллар пайти — Сени ўргатайми севишга?! Севишга ўргатиб бўлмайди...

Тоглардаги тиник бир тасвир. Дарахтзорлар ортида офтоб.

Хаётда янгиликдай тез эскирадиган нарса йўқ, дейишади. Янгилик унутилиб юборилган эскиликдир, деган хикматомуз гап хам бор. Бирок, шу нарса аёнки, янгилик топиш, яратиш мехнатталаб иш. Бу иш тенгсиз изланишни такозо этади.

«Кутлуг кон», «Алишер Навоий», «Мирзо

Улугбек» спектаклларида яратган образла-

рини, «Дилором», «Али бобо ва қирқ қароқ-

чи», «Улугбек хазинаси», «Навоий» каби

кинофильм ва телефильмларда ўйнаган

ролларини мамнуният билан эсга олиш

Зикир Мухаммаджонов хакикатан хам махоратли актёр:

дик Исмонов, Мухаммад Умархўжаев, Лутфилла Нарзуллаев, Замира Хидоятова, Тошхон Султонова, Зайнаб Садриева хакида ёзганлари биринчи манба сифатида сахнамиз тарихи учун зарурдир. Хуллас, Зикир Мухаммаджоновни олимликни даъво килмаган, аслида санъатшунос олим ва санъат таргиботчиси десак арзийди. Муаллифнинг «Таъзим» ва «Узим кўрган билганларим» деган китоблари мухлислар ўртасида қўлма-қўл бўлиб юрибди. Учинчи китоби ҳам «Ёзувчи» нашриётида ўз вактини кутиб турибди.

Зикир Мухаммаджоновнинг жамоатчилик фаолияти актёрлик ижоди билан деярли бир пайтда бошланган десак хам бўлади. У дастлаб 1939 йили 18 ёшида Катта Фаргона канали қурувчиларига маданий хизмат кўрсатишда қатнашди. Кей-

ин Фарход ГЭСи бунёдкорлари ўртасида тарғибот-ташвикот ишларини олиб борди. Шу тариқа бутун онгли хаёти давомида халқ билан бирга яшаб, унга ҳамнафас бўлиб келмокда. У диёримизнинг барча шахар ва кишлоклари, овулларида, барча ташкилотлару муассасаларида, мактаб ва олий ўкув юртларида бир марта эмас, бир неча мартадан бўлиб, ижодий учрашувлар ўтказган. Бу бор гап. Айникса, унинг жамоатчилик фаолияти истиклол

йилларида кучайиб, янгича маъно-мазмун касб этди. Мухтарам Президентимиз томонидан олиб борилаётган ташки ва ички сиёсатнинг туб мохиятини кенг халқ оммаси ўртасида марокли ва таъсирли тушунтириб бериш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараларини ифодалаб бериш, адабиёт ва санъат ахлига, ахолининг барча табақаларининг турмушини янада фаровон қилиш, айниқса, алохида эътибор ва мехрибонликка мухтож ёш авлодга хамда карияларга кўрсатилаётган ғамхўрликларни баён этиш ана ўша ижодий учрашувларнинг асосий мавзуларидир.

Улкан ижодкор ва толмас инсон Зикир Мухаммаджонов куни кечагина Фаргона водийсида сафарда бўлиб, мухлислари даврасида бир қатор ижодий учрашувлар ўтказиб қайтгани хам фикримизни тасдиклаб турибди. Табиатан багрикенг, турмушнинг баланд-пастини, аччик-чучугини татиган актёримиз кўп йиллар давомида Миллий театримиз жамоасида касаба уюшмасига етакчилик қилди; туман, шахар, вилоят кенгашларига ва Олий кенгашга депутат этиб сайланди. Беш йил давомида Узбекистон театр жамиятини бошкарди. Хамма вақт халқ манфаатини кўзлаб иш юритди. Уни хамкасблари «жахонгашта актёр» деб хазиллашиб қўядилар. Бу гапда жон бор, албатта. У ўзбек халқининг зиёли бир вакили сифатида дунёнинг жуда кўп мамлакатларида, жумладан, АҚШ, Испания, Англия, Туркия, Кипр, Венгрия, Польша, Чехия, Хиндистон, Саудия Арабистони, Малайзия, Болтикбуйи давлатларида бўлган, бой таассуротларга тўлиб-тошиб қайтган. Лекин 1991 йилнинг декабрида мустақил давлатнинг фуқароси сифатида Президент Ислом Каримовнинг Туркияга килган биринчи расмий ташрифи чогида Узбекистон делегацияси таркибида бўлганини алохида мамнуният ва зўр ифтихор билан эслайди. «Мустақил давлатнинг вакили сифатида ўзга юртда бўлганингда қалбинг фахрга тўлар экан. Бундай фахр туйгусини ёшим 70дан ошганида илк бор туйдим. Дунёга янгидан келгандай бўлдим. Мустақиллик олий неъмат

Зикир Мухаммаджонов Юртбошимизнинг саъй- харакати, жонбозлиги туфайли Миллий театримизда қайта саҳналаштирилган «Мирзо Улугбек» спектаклида Сохибкирон бобомизнинг сиймосини ижро этганини хаяжон билан эслайди. Дархакикат, бу вокеа хам истиклолимиз шарофатидан-

Халқимиз севган улуғ санъаткорларимиздан бири бўлмиш Зикир Мухаммаджонов ўзбек миллий театр санъати ва киносини ривожлантиришдаги куп йиллик ва халол хизматлари учун ҳақли равишда фахрий унвонлар, орден ва медаллар, мукофотлар, совринлар ва дипломларга сазовор булган. «Лекин, мухтарам йўлбошчимиз қўлларидан «Буюк хизматлари учун» орденини қабул қилиб олган онларим ҳаётимнинг энг қувончли, энг унутилмас дамлари бўлди, - дейди ардокли актёримиз. - Бу - умримни янги мазмун билан бойитди, янги ижодий марраларга чорлади».

Утмишда ёши улуг ва элда эъзоз топган сўз санъаткорларини хурмат, иззат юзасидан «маликул-калом», «маликушдо қоғоз сахифасида қолдирилмаса, келажакда қайта тиклаб *шуаро» деб атаганлар. Шу анъанадан келиб чиқиб, хам ёши улуглигини, хам ижодий ва ижтимоий фаолиятининг салмоғини инобатга олиб, Зикир Муҳаммаджоновни «маликул-санъат», деб ардокласак арзийди, деб ўйлаймиз.

> Абдукаххор ИБРОХИМОВ, Узбекистон Республикаси санъат арбоби

Актёрнинг мухлислар билан учрашувлари Фарғона ва Наманган вилоятларида давом этди. Жумладан, Учкургон тумани хокимлигида ўтган ижодий мулокотда Узбекистон Дилафруз Жабборовалар бугунхалқ артисти Мухаммадали Абдукундузов, истеъдодли актёрлар Мадина Мухторова ва Абдурайим Абдувахобовлар иштирок этдилар. Учрашувда Зикир Мухаммаджонов сўзга чиқиб самимий қабул учун мин-

натдорчилик билдирди ва мо-

нологлар ўкиб берди. Шундан

сўнг кизгин савол-жавоблар

АКТЁР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

муборакбод этди. «Узбектеатр» бирлашмаси бош директори Мухаммадали Абдуқундузов таникли санъаткор хақида самимий фикрларини билдирди. Севимли санъаткоримиз Зикир Мухаммаджонов ўз сўзида озод юртимиз равнақи ва мустақилликни мус тахкамлаш учун бор куч-гайратини аямаслигини айтгани да залда гулдурос қарсаклар янгради. Ижсодий мулокотда иштирок этган Узбек Миллий академик драма театри саньаткорлари кечага файз ба-

Андижонда ардокли санъ-

аткор, Узбектистон халқ ар-

тисти, «Буюк хизматлари

учун» ордени сохиби Зикир Му-

хаммаджонов таваллудининг

80 йиллигига бағишланған уч-

рашув бўлди. Ижодий муло-

қотни Андижон вилоят хоки-

мининг ўринбосари Азизбек Со-

диков очди хамда таникли

санваткорнинг қутлуғ ёши би-

лан Андижон халқи номидан

бўлди. Кеча сўнгида туман хокими Азимэкон Мухиддинов учкуприкликлар номидан саньаткорга эсдалик совкалари топ-Наманган вилоят театри-

да бўлган учрашувни Узбекистон халк шоири Хабиб Савдулла очди. Вилоят санъаткорлари ўзларининг бадиий дастурлари билан ижодкорни кутладилар.

Туракўрғон тумани хокимлигида хам шахар жамоатчи лик вакиллари, талабалар ва ўкувчиларнинг машхур актёр билан ижодий мулокоти бўлди.

VAYF CAHBATKOP XOTUPACH



Юртимизда машхур санъаткор Наби Рахимовни билмайдиган киши йўқ. Узбек миллий театри ва кино санъатининг атокли намояндаси. Узбекистон халқ артисти, давлат мукофотлари совриндори Наби Рахимов яратган бетакрор образлар хамон томошабинлар қалбида яшаб келаётир. Жахон ва миллий драматургиямизнинг энг яхши сахна асарларида яратган Яго ("Отелло"), Розенкранц ("Гамлет"), Хлестаков ("Ревизор"), Арбенин ("Маскарад"), Мажидиддин ("Алишер Навоий"), Шокир ота ("Кутлуғ қон"), Бобо Кайфий ("Мирзо Улугбек"), шунингдек, "Кутлуғ қон" филмидаги Шоқосим, "Мафтунингман" даги Турсунов, "Икки дил достони"даги Богбон, "41 йил олмалари"да жахон урушида жанг қилаётган асқарларимизга вагон-вагон олма олиб борган Чол, "Келинлар қузғолони"даги Уста Боки каби яна ўнлаб образлари билан Наби Рахимов минг-минглаб томошабинлар, театр ва кино санъатимиз мухлислари мухаббатини қозонган эди.

Бугун ҳаёт бўлганларида атокли халқ санъаткори Наби Рахимов туксон ёшга кирган бўларди. Шу муносабат билан якинда Узбек Миллий акаде-

кечаси бўлди. Маданият ишлари вазирлиги, "Узбектеатр" бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси, "Арт-мадад" махсус жамғармаси ҳамда Узбек Миллий академик драма театри томонидан уюштирилган хотира кечасига пойтахт жамоатчилиги намояндалари, улуг санъаткорнинг мухлислари тўпландилар. Наби Рахимов таваллудининг туксон йиллигига багишланган хотира кечасини Миллий театр директори, Узбекистон халқ артисти Екуб Ахмедов очди. Маданият ишлари вазири ўринбосари, "Узбектеатр" бирлашмаси рахбари Мухаммадали Абдукундузов атокли санъаткоримиз Наби Рахимовнинг миллий театр ва кино санъатимиз тараққиётига қушган буюк ҳиссаси, яратган бетакрор образлари, истеъдодли актёрларни камол топтириш йўлидаги жонкуярлиги ва чин устозлик мехри ҳақида сўзлади. Шундан сўнг пойтахт театрларининг актёрлари Наби Рахимов ижро этган асарлардан сахналар намойиш қилишди. Улар томонидан тайёрланган санъаткорни хотирлашга доир театрлашган сахналар хам айникса марокли бўлди.

мик драма театри биносида

атокли санъаткорни хотирлаш

Киносанъаткорлар номидан сўзга чиккан Исамат Эргашев, қизиқчи Гофиржон Мирзабоев, шунингдек Наби Рахимовнинг қариндошлари хотиралари хам кечага файз багишлади. Наби Рахимов хаётлигида суратга олинган видеотасвирлар хам намойиш

Айникса, Узбекистон халқ артисти Едгор Саъдиевнинг улуг санъаткорнинг камтарлиги, устозлик мехри, жуда кўп қалбларда қолдирган инсоний фазилатлари хакидаги хотиралари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

ГУЗАЛЛИК МАСКАНИДА

Тошкент Давлат миллий ракс ва хореография Олий мак-, таби якинда ўзининг илк қал- диргочларини учирма килгани-Нинг эллик йиллигини нишон I лади. II декабр куни бу гузаллик масканида ана шу сана му 1 носабати билан «Раксга таклиф» деб номланган тадбир і бўлиб ўтди.

Маълумки, бу нафис санъат маскани халкимизга бирибиридан гўзал, тенгсиз махорат гохибалари бўлмиш раккосаларни етказиб берган. Санъатимизнинг машхур намоянда-Лари Галия Измайлова, Дилором Шерова, Белла Зинатуллина ана шу даргохда камол топишиб эл хурмати, тахсинига І сазовар бўлишган. Қолаверса, Розия Каримова, Кундуз Миркаримова, Маъмура Эргашева, І ги кунгача ўзлари санъат сирасрорларини эгаллаган мазкур

 мактаб билан доимий алокада Ластлаб Тамарахоним ташаббуси билан консерватория

давлат Маданият институти «Хореография» бўлими негизида олий махсус ўкув юртлари макомидаги Тошкент давлат миллий ракс ва хореография Олий мактаби ташкил 1 этилди. Айни пайтда бу Олий мактабда, асосан, мумтоз ракс ва миллий ракс буйича етук мутахассислар тайёрлашга алохида ахамият берилмоқ-

«Ракста таклиф» деб номланган бал кутаринки рухда г ўтди. Мумтоз ракслар бу куркам санъатнинг замонавий талқинларига уйғун ижроси билан кечага унутилмас файзу тароват багишдади. Мумтоз хореография намуналари тадбир иштирокчиларининг кизгин олкишларига сазовар бўлди ва айни пайтда И. Гайден, Ф. Шопен, П. Чайковский каби ғарб мусиқаси дарғаларининг асарларига ижро этилган сахналар гоятда таъсирчанлик ва теран мазмун касб этди.



биносида оддий балет мактаби сифатида очилиб, кейинчалик хореография билим юртига ай-Лантирилган бу маскан ракс санъатимизнинг ривожига улкан хисса кушди.

1997 йили Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонлари билан ўзбек хореография билим юрти хамда Тошкент

Мазкур бал томошасини [тайёрлашда балетмейстер, хореография кафедраси мудири, доцент И. Г. Горлина, укитувчилардан Т. А. Мусаилова, И. 1 А. Кеворкова хамда концертмейстер М. Г. Григорянциинг хизматлари катта бўлди.

Тошкент Давлат миллий г ракс ва хореография Олий



бу тантанада ушбу ј масканда тахсил олган истеъдодлардан М. Ниёзова, Д. Кожевникова, О. Ганиенко, Р. Сисоев, Н. Кули-1 боев ва бошкалар [ўз махоратларини намойищ этищди. Бал томошасида мумтоз раксимиз | катори Европа, Лотин Америкаеи I ракс мактаби | хамда классик хореография намуналари ижро этилдики, булар барчаси тадбирга чинакам тароват. файз багиплади.

мактаби катта за-

лида булиб ўтган і

образга кира билади, сахнада қахрамони хаёти билан яшайди. Мана бир мисол. Маълумки, классик адибимиз Ойбекнинг «Кутлуг кон» романи асосида яратилган инсценировка Миллий театримиз сахнасида турли йилларда уч марта қуйилган. Зикир Мухаммаджонов учала спектаклда хам қатнашиб, хар сафар хар хил рол ўйнаган. Биринчисида Салимбойвачча, иккинчисида Ермат, учинчисида Мирзакаримбой образларини муваффакият билан яратган. Улуг инсонларнинг истеъдодлари серкирра булади. Ма-

салан, Ғафур Ғулом мохир рассом ҳам бўлганлар, Саид Аҳмад ака мохир фоточи ва карикатуралар чизишда устаси фарангдир. Зикир акага келсак, у киши яхшигина қалам сохиби. 3.Мухаммаджоновнинг ўзбек театри, киноси хамда телевидениеси, бу даргохларда ижод қилган ва ижод қилаётган устозлари, сафдошлари, адабиёт ва санъат муаммолари хакида ев, Раззок Хамроев, Хамза Умаров, Асад Исматов, Мария

ёзган мақолалари, хотираларини кўпчилигимиз ўкиганмиз. Зикир ака бундай савоб иш билан камида 40 йилдан бери мутассил шугулланиб келмоқдалар. Унутилаёзган сиймоларимиз хотираларини қайта тиклаб, уларнинг ибратли ишларини бугунги замондошларимизга маълум қилиб, келажак авлод учун қоғоз сахифаларида мухрлаб қўймоқдалар. Шуниси диккатга сазовоски, Зикир ака ёзган ва ёзаётган маколалар вакт ўтиши билан нихоятда ноёб бўлиб қоладиган, мабобулмайдиган нодир маълумотларга бой. У кишининг уз устозлари М.Уйгур, А.Хидоятов, О.Жалилов, О.Хўжаев хакидаги ижодий портретлари, шунингдек, Аббос Бакиров, Латиф Файзиев, Наби Рахимов, Марям Екубова, Саъдихон Табибуллаев, Кудрат Хўжаев, Гани Аъзамов, Лутфихон ая, Сойиб Хўжа-

Кузнецова, Шохида Маъзумова, Маъсума Қориева, Хожисид-

мумкин.

ШОГИРДЛАР УСТОЗ ХАКИДА

Зикир Мухаммаджонов - эл-юрт мехрини қозонган санъаткор, ўзига талабчан ва касбининг фидоийси. Репетицияларга айтилган вақтдан ярим соат олдин келиб, тайёргарлик кўрадилар. 80 ёшни қаршилаған булсалар-да, ролларини махорат билан ижро этиб келмокда. Уз ишига жуда катта масъулият билан қарайдиган, энг мухими, сахнага хиёнат қилмайдиган санъаткор. Зикир акани ёшларга ибрат бўла оладиган инсон, деб биламан.

> Эркин КОМИЛОВ, Узбекистон халк

Мен театрда кўп таникли санъаткорлар билан ишладим. Бу даргохга илк қадам қуйган даврларимда халкимиз севган улуг санъаткорларга хавас билан қарар-

дик, баъзан сухбатлашишга хам ийманардик. Лекин Зикир ака ёшлар билан хам тил топишиб кетардилар. Хаммага бирдек муомала қилиб, самимий муносабатда бўладилар. Уз фикрига эга, ўз эътикодига содик инсон. Хаётга жуда катта мухаббат билан қарай-

> Сайёра ЮНУСОВА, Узбекистонда хизмат кўрсатган артист

Мен болалигимдан Зи-

кир акани кино қахрамонлари қиёфасида таниганман ва улар ўйнаган роллар менинг севимли қахрамонларимга айланган. Айникса, «Собир Рахимов» бадиий филмини қайта-қайта томоша қилардим. Бу образ Зикир Мухаммаджонов киёфасида тасаввуримда мухрланиб қолганлигидан бўлса керак, кейинчалик, Собир Рахимовга ўрнатилган ёдгорликни кўрганимда, уни

қабул қила олмаганман. Менинг назаримда, халқ кахрамони Собир Рахимов Зикир Мухаммаджонов киёфасида гавдаланиши лозим эди.

Театрга келганимдан сўнг, Зикир акани ўта камтар ва донишманд инсон сифатида қайта кашф этдим. «Навоий» драмаси иккинчи марта сахналаштирилганда, Навоийни Зикир ака, ёшлигини мен ўйнадим. Болалигимда хайрат ва хавас билан қараганим бу севимли актёримиз билан битта ролни ўйнаш бахтига мушарраф бўлганимдан хурсандман.

> МУХАММАДКАРИМОВ, Узбекистонда хизмат кўрсатган артист

Хеч эсимдан чикмайди, «Армон» спектаклида илк ролимни ижро этганимда, Зи-

кир ака мени катта гулдаста билан табриклаган эдилар. Ва икки-уч йилдан сўнг ижодим хакида газетага макола ёзганлар. У киши хамма ёшлар ижодига эътибор билан қараб, хатоларимизни кўрсатиб, тўгри йўл-йўрик беришга эринмайдилар. Зикир ака шунча ишларидан ортиб, театр ва кино тарихига оид туркум маколалар ёзаётганлари хам накадар катта қалб сохиби эканликларидан далолат-

Якинда устоз билан Бухоро ва Кашкадарё вилоятларида хамда Фаргона водийсида бўлиб қайтдик. Хаётга ва ўз ишига бўлган чексиз мухаббати туфайли Зикир ака 80 ёшида хам минглаб мухлислар даврасида ўзини бардам хис қилади. Биз шундай улуғ санъаткоримиз билан фахрланишимиз ва улардан жуда кўп инсоний фазилатларни ўрганишимиз керак, деб ўйлайман.

Узбекистонда хизмат

Зухра АШУРОВА, гишладилар. курсатган артист

нинг «Ватан ишки» асаримадди килиб, яна театрга, репетицияларга чопар эдилар. Албатта, бундай шароитда ишлаш учун энг аввало ўзи танлаган касбга мехрмухаббат, сабр-матонат ке-

Б.НАЗАРОВ

Президентимиз фармони | билан Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театри актрисаси Акида Хаитовага «Узбекистонда хизмат курсатган артист» унвони берилди. Бу юксак мукофот актрисани янги ижодий ишларга илхомлантирди. Акиданинг орзули роллари хали олдинда. Биз, мехнатсевар, захматкаш актрисага янги ижодий ютуклар тилай-

НУЛДА ТОПДИ **BAXTINHI**

нилди. Театрнинг ўша пайт-

даги бош режиссёри, Узбе-

кистонда хизмат курсатган

санъат арбоби Рихсибой

юрак, таъсирчан нутк, бетак-

Орифхо-

Ақидада-

томошаси - Абдулла Қаххор киссаси асосида сах-

атри ўзининг дастлабки налаштирилган «Мухаббат» спектак- ша лини на- «

мойны Икки огиз дин сузи

СТИТУТНИ Министенции в выправления в выправ битириб чўлга келган ва шу асарда рол ўйнаган оловкалб ёшлар орасида актриса Акида Хаитова хам бор

этди. Ин-

Акида айнан шу театр-

рор кобилиятни дархол илгади. Шунинг учун актриса катта-катта ролларни ижро этиш билан бирга, концерт дастурларида хам қўшиқ айтар, рақ-

1975 йили Гулистон те- да ўз бахтини топди, элга та- сга тушар, монолог ва шеърлар ўкир эди. «Бой ила хиз» матчи»да Хонзода, «Аршин мол олон»да Осиё, Шухратнинг «Она кизим» асарида Хожар роллари Ақидага шухрат келтирди.

Ушанда чўлга келган ёшлардан бугунги кунда фақат беш киши — Узбекистонда хизмат курсатган артистлар Акида Хаитова, Озода Абдуллаева, Шариф Жумаев хамда артистлар Адхам Абдуллаев, Зулфия Эшмуродова Гулистон театри сахнаси-



да ижод қилмоқдалар. Уша вактларда репетициялар ёзги бинода ўтказилар, жамоа хужаликларига уюштирилган спектакллар кеч соат 10-11ларда бошланар, спектаклдан сўнг концерт дастури намойиш этиларди. Томошаларни тугатиб шахарга қайтгунларича тонг отиб қолар, уйга келиб, озгина та-

рак. Аммо кийинчиликлардан қатьий назар Ақиданинг ижоди бир сония хам тухтаб қолмади. Санъаткор жахон драматургиясининг машхур асарларида етакчи ролларни ижро этиб, спектакллар муваффакиятини таъминлашта хизмат қилди. Шекспирнинг «Кирол Лир» асарида Регана, А. Қаххорнинг «Огрик тишлар»ида Зухра, Мольернинг «Сохта оксуяк» асарида Журден хоним, М.Бобоевнинг «Қайдасан жон болам» асарида Хурбуви, Т.Туланинг «Киз булок» асарида Она, З.Фатхуллин-

да Нарзи каби ўнлаб образлар яратдики, уларнинг хар бири алохида эътирофга лойик. Театрдаги кўп йиллик сермахсул ижоди эътиборга олиниб, 1999 йили

Жура МАХМУДОВ



Бир куни минг сўмга олган лотереямга эллик миллион ютуқ чиқса бўладими! Кўзларимга ишонмайман. Уқалаб қайта-қайта қарайман. Тўппа-тўгри! Катта рақами ҳам, кичкина рақамлари ҳам аниқ-таниқ тўгри келиб турибди. Кўз олдим қорон-ғилашиб кетди: гўё рўпарамда капалаклар пилдир-пилдир учади, кулокларим шанғиллайди. Энди йиқилсам керак, деб юмшоқрок жой кидириб юрибман ўзимча. Худога шукур, йикилмадим. Кимгадир кувончимни айтиб, ичимни бушатгим келади. Қани энди бирон бир таниш учраса! Узи гапирганимда овозим чикяпти, йўкми, буни хам билмайман. Хулласи калом, бундай севинчни бошидан ўтказган одамгина билади.

Уйга келгунча анча ўзимга келиб қолдим. Ичимга сигдиролмай бола-чақага айтсам, ишонишмайди денг. Уларни ишонтиргунимча икки соат вактим кетди. Иигилишиб, маслахатни бир жойга қуйдик:

-Хеч кимга айтмаймиз. Бунака нарса иримчил бўлади...

Минг бор айтмайман деганим билан бир-иккита жўраларимга ёрилдим. Айтмасам бўлмайдиган, ёрилиб ўладиган сиёким бор.

-Машина оладиган бўлсанг, «Мерседес» ол, сўнгги маркасидан, - деди битта оғайним. Хозир бунака машина шахримизда битта-иккита холос.

-Менимча «Лимузин» олганинг маъкул. «Лимузин»га нима етсин. Кўрганларнинг бир огзи очилиб колсин.

-Иўк, йигитлар, бунака ўпирди гапларни қуйинглар. Ундан кура мана бу уй-жойини қайтадан яхшилаб қуриб олсин. Кўрмаяпсанларми, дарвозаси очилмаган кунлари деразасидан бошимизни сўқиб, зўрга чақирамиз бу огайнимиз-

Хуллас, маслахат билан уй қуришга келишиб

-Хўш, уни қаерга қурамиз?

-Эски уйингни бузиб, ўрнига қурасан-да. -Йўқ, бўлмайди. Бу уйни бузиб янгисини қургунча кўчада яшайдими?

-Хўв анави чап томондаги қўшнинг кўчмоқчи шекилли. Беш миллион бер-да, ўшани сотиб ол, бўлмаса. Беш миллион берсанг, уйига қўшиб хотин, бола-чакасини хам ташлаб кетмаса отимни бошка қуяман.

-Мен эса бошка фикрдаман, - деди коллежда директор булиб ишлайдиган оғайним. - Нима қиласанлар тор жойга тиқилишавериб. Нима, уй қураман десанг, буш жой йуқми?

-Буш жой куп-у, бирок уй қуришга рухсат беришмайди-да!

-Нега рухсат бермасин, беради. Сен ҳўв анави томондаги икки қаватли уйларнинг ёнидан ўн икки сотих ер ол. Уша жойга уй қур-у, маза килиб яша.

-У ердан менга жой берай, деб турибдими? -Хўв, галварс. Эллик миллионнинг бир четидан жиндек узатиб юбор. Ана шунда ўзи келиб, машинасида олиб бориб, ерингга қозиқ қоқиб бермаса мен кафил.

Хақиқатан ҳам шундай бўлди. Ҳалиги жўрам айтган овулда ер бисёр экан. Беш метрча келадиган ўлчагичи билан мўл-кўл қилиб ўлчади-ю,

-Хўш, энди қурилишдан хабаринг борми? деди яна бир оғайним дастурхон устида. -Хабарим йўк, - дедим мен.

-Ундай бўлса, сира хам бошингни котирма. Ерингни текислайдиганлардан тортиб, то уйингни қуриб, калитини қулингга берадиган қурувчиларгача ўзим топиб бераман. Агар олти ой ичида битган уйингга худди Рим папасидай саллона-саллона кириб бормасанг, отимни бошка қуяман.

Хақиқатан ҳам бу журам айтган гапининг устидан чиқадиганлардан экан. Эртасигаёқ ўша айтган қурувчиларни бошлаб келиб қолди. Уттиз миллионга келишдик. Мен учун ўртада югуриб юрган жўрамга хам юз минг ширинкома кетди. Юз минг деган нима, шу ҳам пул бўлибдими?!

Курилиш жадал бошланиб кетди. Хафтада бир марта «Супер салон» да бориб куриб келаман. Тунов кунги «Мерседес» ҳақидаги маслахат «Супер салон» га келиб тўхтаган эди.

Уй кўнглимдагидан хам аъло бўлиб куриляпти. Хаёлимда, мени бу кошонага фаришталар-

Рассом А.ХАКИМОВ

турасан?

кинми?

бим етмайди.

ки ачинмадингиз?

ганда жуда ачиндим.

САВОЛГА ЯРАША ЖАВОБ

-Узингни учта уйинг була туриб, нега ижарада

-Уйларимнинг ижара пули жуда қиммат, қур-

-Янаги қовун пишиғигача тураверади, болам.

-Хотинингизни чойник билан урибсиз. Нахот-

-Нега ачинмас эканман. Янги чойник синиб кет-

Эр хотинига бир умр садокатли бўлиши мум-

-Ха. Агар у инсон оёги етмас оролда яшаса.

-Оилавий жанжалларнинг сабаби нима?

Эрнинг тункалиги, хотиннинг арралиги.

Қовунингиз қанча туради, отахон?

нинг ўзлари кўчириб келиб, жойлаштириб кетадигандай эди. Шу десангиз қават-қават саройлар: манависи ўттиз одам кутса бўладиган хона, анавиниси фарзандлар турмуш қурганда икки юзта мехмонни қабул қилса бўладиган зал. Мана бу ёги ёзги ошхона, буниси эса қишкиси. Мана буниси катта машиналар бемалол кирса буладиган дарвоза. Мана буниси эса енгил машиналар кирадигани. Хўв анави томонда гараж, унинг нариги ёгида ертўлага кирадиган гараж эшиги. Чап томондаги иссикхона, унинг ёнида деворга тақаб қурилаётганлари қатор омборлар. Ичкарида икки жойда хожатхонаси, иккита мурчаси бор: бирови буғ билан, иккинчиси буғсиз ишлайди. Бассейн иккинчи қаватда. Молхоналар билан товуқхоналар ховли этагига жойлашган. Дарвозахоналарни-ку, энди қўяверасиз, бунақасини отам бу ёкда турсин, бобокалоним хам кўрмаган. Дарвозахонадан одамлар кириб келадиган йўлакка мармар қопланган, машиналар кирадиган йўлак эса цемент билан мармар ушоги аралаштирилиб сайқалланган, худди мажлислар залининг фойесидагидай ялтиллайди. Курувчилар ишни эрта бахорда бошлаб, сентябрда тайёр қилди-ю, кошонанинг калитини қўлимга туУн еттинчи. -Ун еттинчи? У ерда Мавлон ишламасмиди?

-Ха, у киши бошлигимиз. -Сен ким бўлиб ишлайсан у ерда? Ўринбосарларимисан?

-Бош инженермисан?

-Ердамчи бухгалтерман. -Хим.м... Отангнинг оти нима? Хаётми

хозир? -Йўқ. Утиб кетганига икки йил бўлди. Илгарилари у киши хам ўша мехколоннада слесар бўлиб ишлар эдилар.


Оксоколнинг нафаси ичига тушиб кетди. Пиёладаги чой совиб қолган экан, чойнакнинг

қопқоғини очиб, қайтариб қуйди. -Келин бола савдо билан шугулланадими?

-Иўк, ўкитувчи. Энди унинг қарашларидан: «Ундай булса мана бу кошонани қандай қилиб, қайси маблагингга қурдинг?» демоқчи бўлиб турганини фахмладим. Айтмасам булмайдиган.

-Оқсоқол, бир адашиб, маошга қушиб берган лотереяга эллик миллион ютиб олган эдим. Етти миллионига машина олдим, ўттиз миллионига уй қурдирдим. Бир кенгроқ жойда ўтиргим

Муродбой НИЗОНОВ



ХАЖВИЙ ХИКОЯ

Ичкарига кириб қадам босай десам уяламан, денг. Ярақлаб турибди-да! Уйимиздаги кўрпа тўшакларни олиб келсак, ярашмади, худди эски латтага ўхшади қолди. Тўрт-беш миллион кетса кетар, деб кўрпа-тўшакларни, мебелларни янгиладик. Хуллас, у ёқ-бу ёгимизни ўнглаб олиб, янги хаёт бошладик.

Кунлар бирин-кетин ўта борди, биз билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Эрталаб ишга кетамиз, кечкурун келамиз. Бир куни уйимизга ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамасидаги ўспирин кириб келди.

-Сизни амаким чакиряпти, -деди у эшикдан бери кирмай.

-Амакинг ким? -Узокберган ота, мана шу овулнинг хужайи

-Качон боришим керак?

-Узинг билан эргаштириб кел, деди. Яланг чакмонимни елкамга ташлаб, боланині ортидан эргашдим. Бола мени кичикрок бир хонага бошлаб кирди-да:

-Шу ерда ўтириб туринг, мен хозир у кишини чакириб келаман, - деди.

Кутиб ўтирибман, кутиб ўтирибман. Икки пиёла чой ичса бўладигандай вақт ўтди. Жим-жит. Чикиб кетсам, одобсизлик бўлар, деб чидаб ўтирдим. Анча вақт ўтгач, мени чақиртирган одам кириб келди. Қорни кажавадай, чамаси олтмишларни уриб қўйган. Саломлашди, бир пиёла чой куйиб узатди.

-Хўш, иним, келинг, - деди у менга тики-

 Чакиртирган экансиз. -Тўгри, чақиртирган эдим. Иним, махалламизга кучиб келибсан. Шундай булгандан кейин бу махалланинг оксоколи ким, хужаси ким, деб суриштирмайсанми? Ез бўйи уй қурдинг, нари ўтамиз, бери ўтамиз, бирортанг салом беришни билмайсан. Бу қанақаси?

-Кечирасиз оқсоқол, биздан ўтибди. Қурилишни эса шартнома асосида курувчиларга топширган эдик.

-Майли, майли, зарари йўқ, иним. Мен фақат мусулмончиликни айтяпман-да. Узинг қаерда ишлайсан?

 Кучма мехколоннада. -Кайси мехколонна?

келиб эди.

-Эллик миллион?! - ҳайрон бўлиб менинг бетимга тикилиб қолди. - Бу ҳақда ҳеч қайси газетада ўкимаган эдим-ку.

-Мен бу хакда хеч кимга айтмаган эдим. -Астофирулло, астофирулло! - уй эгасининг юзига қон югура бошлади. - Узинг ҳам жуда пишиқ-пухта йигитга ўхшайсан. Шундай қилиб, етти миллион машина, ўттиз миллион уй-жой дегин. Тағин ўн уч миллион қолибди-да. Миллионер экансан-ку.

-Тўрт-беш миллион мебел-себел, кўрпатушак дегандай... сарф қилдик.

-Яхши, иним, жуда яхши. Баракалло! Буюрсин! Энди иним, сени чакиришимдан мурод мен шу махалланинг каттасиман. Исмим Узокберган. Якинда дам олишга чикдим. Уттиз беш йил турли идораларда рахбар бўлиб ишлаганман. Бу ёгига сен билан таниша берамиз. Энди гап бундай: кўчиб келган экансан, муборак бўлсин, иним. Удумимизга кўра махалланинг катта-кичиги билан бир таништириб қуйишим лозим экан

-Яхши бўларди, оға. Индинга бозордан бир қуй олиб келай булмаса.

-Қуй-пуйингни қуйиб тур, гапни эшит. Қуй оладиган булсанг олавер, ортикчалик килмайди. Биринчи куни икки-уч йигитни олиб ўзим бораман. Уша қуйингни еб утириб маслаҳатлашамиз. Менинг айтай деганим, ўша қўйга қўшиб тана ҳам оласан, у асосий мехмонларингга керак бўлади.

Хўп дедим. Киссасида етти-саккиз миллиони бор одамга тана сотиб олиш нима деган гап? Қуйни суйиб, маслахат ошини утказдик.

Маслахат пайтида махалла оксоколи айтиб турди, мен ёзиб олдим. Оксокол эсидан чикарган нарсаларни ёнида келган йигитлар қушимча килиб турди. Бундай разм солсам, дастурхон тузашнинг ўзига уч юз мингча пул керак экан.

-Энди, келадиган мехмонлар сенинг остонангдан биринчи бор ҳатлашлари. Шунинг учун уларга бир-бир палто, ёшрокларига костюм, аёлларига тузукрок мато ё шол рўмол дегандай... -Ия, Узокберган оға, нима, мен улар билан

-Удумимизни бузма, иним. Махаллага кўчиб келдингми, элу юрт нима қилса, шуни қиласан.

Шундай қилдик. Бир миллион сарф-харажат қилиб бу тадбирдан зўрға қутулдик. Бироқ жуда хурсанд бўлдим. Бир кечада шунча таниш орттирдим. Таниш бўлганда қандай, хаммаси казоказо, юрган жойида обрулари ер қайиштиради,

Орадан икки ҳафта ўтгач, маҳалла оқсоқоли тағин чақириб қолди.

-Уйларингда йирик молдан нима бор? -Молимиз йўк.

-Эсинг жойидами, иним? Нега бир-иккита

хўкизча олиб қўймайсан? -Хўкизчани нима киламан?

-Нима қиламан деганинг нимаси? Сенинг шунақа дейишингни билиб, юртдан бурун чақиртирдим. Эртага Урозбойнинг уйида маслахат оши. Уйингга ўша тўйга келган мехмонлардан оласан. Битта қора мол сўйишинг керак.

Ана холос! Хар икки хафтада биттадан қора молни қаёқдан топдим энди? Худога шукурлар бўлсинки, хали хам беш-олти миллион пулим бор. Бўлмаса нима бўларди?

Уят ўлимдан кучли, мехмонларни кутиб, кузатдим. Мехмонлар зиёфат бошланиши олдидан мен билан худди эски қадрдонлардай сўрашдилар-у, кейинчалик ўзлари билан ўзлари бўлиб, эсларидан чикиб кетдим.

Келгуси ойда маслахат ошига айтдирмай ўзим бордим. Узокберган оғанинг ўнг томонидаги қўшниси келин тушираётган экан. Унга ҳам бир ҳўкизча, икки яшик ароқ, бир яшик коняк олиб бердим, дастурхондаги ноз-неъматларнинг хаммаси бизнинг зиммамизга тушди.

Келаси бахоргача саккиз марта мехмон кутиб олишимга тўгри келди. Эллик миллиондан қолган пуллар адойи-тамом бўлди. Энди махалла оқсоқолининг кўзига кўринмаслик учун нариги кўчадан қатнайдиган бўлдим. Эшигимизнинг қўнгирогини узиб ташлаганмиз. Жирингламайди. Аммо қачонгача бекиниб ўтирасан, келаси кузгача яна олти бор мехмон кутдим. Мехмон кутишнинг ўзи бўлмайди-ку, буни ўзингиз яхши биласиз. «Сулер салон» кетди қулоғини ушлаб.

Бир куни кечкурун дарвоза тақ-тақ қилиб қолди. Чиқмасам бўлмади. Чикдим. Қарасам эшикнинг олдида уч-тўрт йигит туришибди.

-Ака, рейд қилиб юрибмиз, - деди йигитлардан бири. - Мен газданман, мана бу электросетдан, анави сув масаласи бўйича, ёнингизда турган йигит ер солиғи масаласида келдик -Хўп, эшитаман.

-Ундай бўлса эшитинг: газдан қарзингиз бир юз тўксон минг бўлибди, ер солиғи эллик олти минг, электрингиз бир юз олтмиш икки минг, сувингиз қирқ етти минг... Бу хисоб-китоблар ўтган йилники. Энди бу йилгисини хисоб-китоб қилай-

-Иўг-е, қайтадан бир хисобланг-чи, тағин бир нол қушиб юборганингиз йуқми, иним? -Ака, қанақа тушунмайдиган одамсиз ўзи?

Кап-катта ховли жой бўлса! -Ха-я, шуни ўйламабман. Хар холда хайхот-

дек ховли булса, қани йигитлар, ичкарига мархамат, гаплашамиз. Улар ичкарига киришди, хол-ахволимдан ха-

бардор бўлиб, ачингандай бўлишди.

-Лекин тўламасангиз бўлмайди, ака, - дейишди улар. - Бир омадингиз келиб, лотереядан ютиб олган экансиз. Ютук тугамайди, деб ўйлабсиз-да, а?

-Билмабман-да. Ахир эллик миллион-а... Ха, айтгандай, бу махаллада мендан бошка неча киши қарздор?

-Хеч кимнинг қарзи йўқ. Фақат ўзингиз. -Иўг-е, ахир мен лотереядан ютган одамман-

ку. Шундай бўлса ҳам қарздор бўлиб қолибман... -Сизнинг лотереянгиз бир марта ютган ака. Махалладошларингизнинг «лотерея» лари хар куни ютади. Тушундингизми, акахон.

Иигитларнинг гапида жон бор экан. Биз бундан кейин чидай олмадик. Кўч-кўронимизни орқалаб, эски маҳалламизга кўчдик. Ҳозир бурунги уйимизни бузиб, ўрнига уй солиб олганмиз. Тагимизда кўхнарок бўлса хам «Жигули» миз бор. Худога шукур, газдан, сувдан, электрдан қарзимиз йўк

-Телевизор олинглар деб қарз берган пулига.

-Ювиладиган гулқогоз зўр нарса-ю, лекин кир

-Ойи, нега эртакларнинг хаммаси «Бир бор

-Йўқ, қизгинам, «Азизам, мен бугун ишда ушла-

Светофорнинг қизил чирогида йўлни кесиб

-Биласизми, ичиб олсам негадир доимо қизил

Сержант бу гапни эшитиб, хайдовчини маст-

-Сиз ичганмисиз, кани пуфланг-чи? - деди

-Сержантга қуйиб берсангиз, ҳозир у мени қизил

-Хозир нима иш килаяпсан? - сўради бири ик-

-Шунақа де. Унда мендан ўн минг доллар қарз

-Анави қиз билан нега учрашмай қўйдинг?

чирокда ўтди деб тухмат қилишдан хам тоймайди.

ниб қоламан», деб бошланадиган эртаклар ҳам бор.

ўтган машинани автоназоратчи-сержант тўхтатди.

ликни текширадиган аппарат олдида турган бош-

лиги - лейтенант ёнига юборди ва унинг маст экан-

бўлганда девордан кўчириб олиб кир ювиш маши-

Икки бўйдок ўзаро сухбатлашмокда:

насига солиш роса азоб экан-да.

экан, бир йўқ экан», деб бошланади.

чирокда ўтаман, - деди хайдовчи.

бошлик аппаратни тутиб.

лигига ишора килди.

-Сержант.

-Сиз ичмагансиз-ку.

-Ким мени ичди деди?

-Эсдаликлар ёзаяпман.

олган йилга етиб келдингми?..

Икки ўрток учрашиб қолишди.

-Уни диди жуда ёмон экан.

-Буни сен қаердан билдинг?

-У менга сен ёкмайсан деди.

Корақалпоқчадан Н.ФОЗИЛ таржимаси

Хайдовчи пуфла-

ди. Аппарат хеч нарса

кўрсатмади. Хайрон

бўлган лейтенант уни

яна пуфлатди. Аммо шу

холат такрорланди.

BYJYH BUSDA TAHAOB BUSDU

 У пардоз-андозга шунча кўп пул сарфлайдики, ўйласам ақлдан озай дейман.

-Сен уни пардозсиз хеч кўрганмисан?

-Кўрмаганинг яхши. Акс холда аллақачон ақлдан озган бўлардинг.

-Дунёда хамма нарса нис-

-Нимани назарда тутяпсан? -Мен учун хотиним билмайди-

ган манави юз сўм у биладиган минг сўмдан кўра анча қимматлироқ.

-Маст эр уйга қайтди ва деди: -Бугун бизда танлов бўлди... Ким кўп ичиш

-Шунақами? - сўради хотини унга бошдан оёқ разм соларкан. Сўнг жилмайиб сўради: -Хўш, иккинчи ўринни ким эгаллади?

Якинда турмушга чиккан киз онасидан суради: -Ойи, дадамга ёкмаган тушлик овкат-

ни нима киласиз? -Кечга олиб қўяман.

Зобитдан ўгли сўради: -Дада, милтик билан автоматнинг фарки нима? -Фарки катта! Эсла, мен қандай гапира-

ману онанг қандай гапиради.

Саньат бўлими: 136-56-48

Хабиб СИДДИК тўплаган

Эрининг тугилган куни хотин ички уйдан туриб бақирди: -Туғилган күнингга қандай зўр совға сотиб ол-

-Қани, бир кўрайчи? -Хозир кийиб чикаман.

қуда тушаётганим йўқ-ку, ахир.

Телефонда:

ганимни сен тасаввур хам қилолмайсан.

-Алло, Жим, сен менинг сўнгги хатимни олдингми? -Қайси бирини? Анави қарз сўраб ёзган ха-

тингними?

-Дада, сен қуёндан қўрқасанми?

-Унда нега куён овига милтик ва ит олиб кета-

Жахон кулади Эр уйқудан хурсанд ҳолда уйғон-

хотинига деди: -Биласанми, тушимда менга турмушга чикишингни илти-

мос килибман. -Бунинг нимасига хурсанд бўлаяпсан? -Сен рози бўлмапсан.

эмас

Наср ва назм булими: 136-56-50

-Иван Петрович, хотинингиз сизни телефонга келишингизни илтимос килаяпти. -Илтимос қилаяпти? Унда у менинг хотиним

Таксига қип-яланғоч бир аёл чиқибди. Шофёр йўлда кета туриб, унга бир-икки бор қараб қўйибди. Бундан жахли чиккан аёл дебди: -Нима, умрингда ялангоч аёлни кўрмаганми-

сан? -Кўришга кўрганману, лекин сен йўл ҳақига қаердан пул олиб тўлашингни хеч ўйлаб тополма-

Ширакайф эр хотинини тинчлантирмокчи бўлиб, деди:

-Сен бекорга бақираяпсан.Мен ўзимнинг пу--Акангнинг қайси пулига?

лимга эмас. Акамнинг пулига ичдим.

Б.УММАТОВ таржимаси

БОШСИЗ «ЧАВАНДОЗ»ЛАР

Тарих не бир сиру синоатларга, гаройиб вокеа-ходисаларга гувох бўлмаган, дейсиз. Бошсиз «чавандоз» лар ҳақида эса ўкигансиз, эшитгансиз. Куйида ана шундай сирли ходисаларнинг айримлари хакида гапирмокчимиз.

1636 йили Бавария қироли Людвиг Диц фон Шаунбург деган кимсани ва унинг тўрт нафар шеригини ўзига қарши исён кўтаргани учун ўлимга хукм этади. Хукм ижро этилиши чогида Диц қиролдан сўнги истагини қони диришга изн сўрайди. Унинг истаги киролни хайратга солади. Диц шерикларини ораларида саккиз қадамча масофа қолдириб, бир қаторга тизишни, кейин эса биринчи бўлиб ўзининг бошини танасидан жудо этишларини сўрайди. Агар мен бошим танадан жудо этилгач, шерикларим ёнидан югуриб ўтолсам, уларни озод қилишингизни ўтинаман, дейди Диц. Кирол бу шартга рози бўлади.

Хуллас, Диц шерикларини бир қаторга, айтганидай қилиб тизиб, бошини кундага қўяди, жаллоднинг ойболтаси унинг бошини танасидан жудо этган махал Диц ўрнидан иргиб туриб, дахшатдан қотиб қолган шериклари қатори ёнидан югуриб ўтади ва охиргиси турган жойга етганда ерга қулаб тинчийди. Утакаси ёрилгудай холатга тушган қирол ваъдасини бажаради.

Британия харбий вазирлиги архивида сакланаётган бир хужжатда қайд этилишича, Хиндистонни забт этиш чогида полк капитани Теренс Малвени қилич билан душман аскарларидан бирининг бошини чопиб ташлайди. Бошсиз аскар қўлидаги милтиқ билан зобитнинг кўкрагини нишонга олиб, ўқ узади ва фақат шундан кейингина ерга қулайди...

Бу каби ходисалар шундан далолат берадики, бошдан, демак, миядан ажралган лахзаларда одам жон таслим этмас экан. Хўш, у холда бошсиз тананинг харакатини нима бошкаради. Олимларни бу жумбоқ ҳануз ўйлантириб келаётир. Айрим фикрларга кўра, шартли рефлексларга эга бўлган орқа мия, кучли хаяжон чогида бошсиз танани бошкариш кобилиятини намойиш этаркан.

ЧУМОЛИНИНГ «АКЛИИ КОБИЛИЯТИ»

Халкда «товукмия» деган ибора бор. Бу ибора кўпрок акли кўхтарок кишиларга нисбатан ишлатилади. Маълум бўлишича, нафакат, товук, хатто чумолини хам Яратганнинг ўзи миядан мосуво этмаган экан. Айни чумолининг «аклий кобилияти» сунъий интеллект системасини моделлаштиришда жуда асқотаркан.

Олимларнинг аниклашича, чумолиларнинг ақлий қобилияти уларнинг нуқтадай мўъжаз, атиги 1 куб миллиметрли миялари билан чекланаркан. Ана шундай мўьжаз «кўрсаткич» билан чумолилар муайян маконда қай тариқа адашмай йул топа олишлари тадкикотчиларни купдан қизиқтириб келарди. Нихоят Англиядаги Сассекс университети биологлари бу жумбокка жавоб топишга муваффақ бўлишди. Улар шундай тажриба ўтказищди. Столнинг бир четига конусни қуйишиб, унинг ортига бир булак қандни яширишди, бошка четига эса олимлар чумолиларни қўйишди. Чумолилардан бири озукани излаб ҳаракатга тушди ва қанд бўлагини топди. Орқага қайтиб юрганида у тўхтаб-тўхтаб, конусни ва қанд бўлагини «кузатди».

Бу ҳаракатдан биологлар шундай хулосага келишди: чумолилар миясида, худди фотосуратга олишдагидек, озукага бориладиган | йўлнинг асосий боскичлари мухрланар экан. Чумолининг бундай «кузатувчанлик» принципидан олимлар сунъий интеллект системасини яратишда фойдаланишмокчи.

ЕЛГОННИНГ БАХОСИ ЙЎК

Ха, хаётда баъзан ёлгоннинг бахоси жуда юқори бўлади, у хакикатдан кўра кимматлирок хисобланади. Австралиялик ёш ўкитувчи Мавлуд айёми арафасида ўкувичилари — биринчи синф болаларига хакикатни ошкор этмокчи бўлди: аслида кеч канака Санта Клаус йўк, хар йили улашиладиган совгаларни ота-оналар дуконпаридан сотиб олишади, деб уктирди.

Бундай «рост гап» дан кейин болалар уйларига кўзларида шашкатор ёш билан кириб келишди. «Хақиқатчи муаллим»дан ранжиган отаоналар оилавий кувонч - чинакам байрамни бузганлиги учун бу ўқитувчини мактабдан четлатишни талаб қилишди. Натижада, ўқитувчига бошлангич синфларда дарс бериш ман этилди.

Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги вазирликнинг Ишлар бошқармаси бош мутахассиси З.Н.Задорожнаяга турмуш ўртоги

Анатолий ЗАДОРОЖНИЙ вафоти муносабати билан хамдардлик изхор

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамгармаси уюшма аъзоси

Саодат ТОЖИ вафоти муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва дўст биродарларига хамдардлик билдиради.

Узбекистон Бадиий академияси жамоаси Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Нуритдин Калоновга онаси

турсуной ая вафоти муносабати билан таъзия изхор килади.

Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси академиянинг хакикий аъзоси Азамат Тухтаевга падари бузруквори

РАМЗИДДИН ота вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.


Газетамизнинг навбатдаги сони 2002 йил 1 январ куни чикади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, УЗБЕКИСТОН ЕЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: «ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кучаси, 32 **Кабулхона** — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56 Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий хаёт бўлими: 133-49-93



ТАХРИР

ХАЙЪАТИ

Редакцияга келган қўлёзмалар тахлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Навбатчи мухаррир — Беккул ЭГАМКУЛОВ Сахифаловчи — Илхом ЖУМАНОВ

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Манзили: Тошкент шакри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй Босишта топшириш вакти-20.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00024-ракам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г. — 3109. Хажми — 3 босма табок. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

КУНЛАРИ ЧИКАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

ЖУМА

Тиражи--6512.